

Oila va jamiyat

№ 25 (1428)
26-IYUN
2019-yil

Gazeta 1991-yil 1-sentabrdan chiqqa boshlagan

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

@oilavajamiyatgazetasi_bot

JURNALIST AYOLNING O'YLARI



Биз журналистлар одамлар ҳақида, ИНСОН ҳақида, унинг ҳаёти ва ҚАЛБИ ҳақида ёзишни унутдик. Зеро, ҳар қандай воқеликнинг ортида ИНСОН, яъни ҳар қандай кўргулик ортида сўқир ёки аксинча ҳар қандай эзгуликларнинг бошида олижаноб қалбли инсонлар туради. Ана шундай қалб эгалари ҳақида ёзмай кўйдик. Қалб тарбияланмас экан, ҳеч бир ишга чин кўнгилдан ёндошмас эканмиз, ечимини кутиб ётган муаммолар кўпаяверади.

7

KO'CHA MUSIQACHILARI KIMLAR?



Кўча музикачиларини яқка ёки жамоа ҳолида (кўпинча гитара билан) кўриш мумкин. Ижрочиларнинг олдидаги гитаранинг филофи (пул солиш учун) да бир-икки сўм пулга кўзингиз тушади. Хўш, уларнинг мақсади машҳур бўлишми ёки пул топиш?

11

MUZQAYMOQNING FOYDALI VA ZARARLI TOMONLARI



Ёзнинг жазирама кунларида роҳатихон музқаймоқ ейишни истамайдиганлар кам топилса керак. Аслида бу яхна ширинлик қандай пайдо бўлгани эса ҳаммага ҳам маълум эмас. Келинг, яхшиси бу десертнинг келиб чиқиш тарихи билан кизиқиб кўрсак.

11

etroga televizor shartmi?

Кейинги йилларда метро вагонлари ҳамда бекатларга телевизорлар ўрнатилди. Бекатларга ўрнатилган телевизорлар ҳақиқатан ҳам одамларнинг вақтини тежайди, озгина муддатга бўлса-да турмуш ташвишларидан чалғитади. Аммо вагон ичидаги телевизорлар ҳақида турли эътирозли фикрларни эшитдик. Хўш, аслида метрога телевизор керакми, йўловчилар учун қандай қулайликлари бор?



6



10

YELIM IDISHLARSIZ HAYOT YO'QMI?

TANZILA NORBOYEVA SENAT RAISI ETIB TASDIQLANDI

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Хотин-қизлар кўмитаси раиси вазифасида ишлаб келган Танзила Камаловна Норбоева Сенатнинг янги раиси сифатида тасдиқланди. Бу ҳақда Сенатнинг 20-ялпи мажлисида маълум қилинди.



Танзила Норбоева 1956 йилда Андижон вилоятида туғилган, Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) тамомлаган, 1995-2010 йилларда Вазирлар Маҳкамасида турли лавозимларда ишлаган, 2010-2016 йилларда Ўзбекистон Касаба-ушмалари федерациясига раислик қилган. У 2016 йилнинг декабридан буён Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Хотин-қизлар кўмитаси раиси сифатида ишлаб келаётган.

Мажлисида ташкилий масала кўрилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Конституциянинг 86-моддасига мувофиқ Сенат Раиси лавозимига Норбоева Танзила Камаловна номзодини тақдим этди.

Сенаторлар номзодни қўллаб-

қувватлашди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон тарихида ilk марта Сенатга аёл киши раис бўлди.

Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Боситхонова Элмира Иркиновна Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Хотин-қизлар кўмитаси раиси лавозимига тайинланди.

ELMIRA BOSITXONOVA BOSH VAZIR O'RINBOSARI LAVOZIMIGA TASDIQLANDI

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида депутатлар Бош вазир томонидан тақлиф қилинган Бош вазир ўринбосари номзодини тасдиқлашди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Боситхонова Элмира Иркиновна Бош вазир ўринбосари лавозимига маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Элмира Боситхонова 1958 йилда туғилган, 1981 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтининг даволаш иши йўналишини тамомлаган. 1981-2011 йилларда шифокор-интерн, анестези-



олог-реаниматолог, бўлим бошлиги, Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси бош шифокори вазифаларида ишлаган.

У 2011-2016 йилларда ҳам Хотин-қизлар кўмитасига раҳбарлик қилган, 2016 йилнинг 12 декабридан буён Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази Тошкент шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда “Ёшлар ижод саройи”да “Замонавий намунали оилани биргаликда яратамиз” номли тақдимот ўтказди.

MUAMMOLAR YECHIMIGA YO'L

Ҳозирги кунда юртимизда 2 млн 766 минг намунали оилалар базаси яратилган бўлиб, уларнинг ибратлилик моҳияти таҳлил этилди. Унга кўра таълим, тарбия; иқтисодий барқарорлик, яшаш шароити, жисмонан ва маънан соғлом, турмуш тарзи ва оиладаги соғлом психологик муҳит барқарор бўлган оилалар замонавий намунали оила моделига мослиги аниқланди.

Маълумки, мамлакатимизда оилалар фаровонлигини ошириш йўналишида олиб борилаётган фаолият натижасида оилавий ажримлар бирмунча камайган, таҳлилий маълумотларга кўра 3859 та ажрашиш борасида судга ариза берган ва 30145 та ажрим ёқасига келиб қолган оилалар яраштирилиши натижасида 43229 нафар фарзандлар ярим етим бўлиб қолишидан сақлаб қолинган. Бироқ бу ҳолат ва натижалар бизнинг хотиржам бўлишимизга асос бўла олмайди. Чунки охириги 5 йил давомида Ўзбекистонда ажрашишлар сони 34,5 фоизга ошган. (Тошкент шаҳрида ре-

спублика ҳудудлари орасида никоҳдан ажрашиш коэффициенти энг юқори 1,7). Ҳар 3 йилда республика бўйича ажрашган оилалар сони 100 мингга ошмоқда. Ҳар йили 18 мингга яқин вояга етмаган болалар ота ёки онасининг меҳри ва қарамоғидан маҳрум бўлмоқда.

“Оила” маркази айнан шу каби долзарб муаммоларнинг ечимини топиш учун илмий-тадқиқотлар ўтказмоқда. Тақдимотда ана шу тадқиқот натижалари ва муаммоларнинг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар, иш дастурлари Тошкент шаҳридаги 505 та маҳаллаларнинг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассисларига тақдим этилди. Бунда асосан мутахассисларга оилалар билан ишлашда нималарга эътибор қаратишлари, ишни қай тартибда ташкил этишлари, муаммога ёндашиш, уни қандай баргараф этиш, юзага келаётган мураккаб ҳолатларда вазиятни ижобий ҳал қилиш каби масалаларда илмий тавсиялар берилди.

Ўз мухбиримиз

DO'ST BILAN OBOD UYING



Қирғизистон Республикаси Уш шаҳрида жойлашган Қирғиз-Ўзбек университетида “Дўстлик” халқаро фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда Фарғона водийсида жойлашган Андижон давлат университети, Наманган давлат университети, Фарғона давлат университети ва Қўқон давлат педагогика институтининг профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалардан иборат делегациялар иштирок этди.

Фестивалнинг ilk босқичида олий ўқув юртларининг спортчилари томонидан волейбол ва стол тенниси бўйича спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Қизгин баҳсларга бой бўлган спорт беллашувларида Қирғиз-Ўзбек университети волейболчилари тўлиқ устунликда 1-ўринни эгаллашган бўлса, стол тенниси мусобақаларида Фарғона давлат университети аёллари жамоаси 1-ўринни эгаллаб, диплом ва кубок билан тақдирландилар. Эркаклар ўртасида кечган стол тенниси мусобақасида ФарДУ жамоаси 2-ўринни эгаллади.

Фестивалда жисмоний маданият факультети профессор

ўқитувчилари Улуғбек Маматов, Баҳодир Ҳайдаров, Санжар Ураимов, Равшан Мақсудов, Исломуҳжа Исломовлар ҳамда талабалар Машхурбек Неъматов, Нилуфар Сулаймонова, Нозима Қамчибекова, Достонбек Усмоналиев, Фазлиддин Махтинов, Азизбек Раҳимов, Маҳмуджон Абдуллаев, таэквандо бўйича спорт усталари Саидолим Нўъмонов, Ботир Давлатовлар фаол иштирок этишди.

Тадбирнинг иккинчи кунинда олий ўқув юртларининг

ташриф буюрган делегацияни Қирғиз-Ўзбек университети ректори, профессор Ч.К.Райимбаев қабул қилди. Университетнинг ўқув, илмий, маънавий-маърифий ва моддий-техника базаси билан танишиб чиқилди. Фестиваль давомида ташкил этилган маданий-маърифий тадбир ҳамда спорт мусобақалари ғолибларини тақдирлаш маросими катта таассуротларга бой бўлди. ФарДУ делегацияси раҳбари, ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиги П.Отакулов тадбирда сўзга чиқиб, Қирғиз-Ўзбек университетининг фестивал ташкилотчиларига Фарғона давлат университети жамоаси номидан миннатдорчилик билдирди. Ҳамкор олий ўқув юртлари томонидан бундай фестивал доимий ўтказилиб туриши бўйича келишувлар амалга оширилди.

Муқаддам ЭҲСОНОВА, Фарғона давлат университети ўқитувчиси.



Bolalarning “KICHIK” sirlari haqida “KATTA” suhbat

Ҳаммамизнинг ҳам фарзандимиз катта бўлади, улғаяди, дўстлар орттиради ва илк бор кимнидир севиб қолади. Табиийки, вақт ўтгани сайин боланинг ўзига яраша сирлари пайдо бўлади, унинг назарида бу “махфий” маълумотларни ота-она асло билмаслиги керак. Аслида ҳам шундай бўлиши лозимми? Кўпгина вазиятларда ота-она фарзандининг бирор нарсани охиригача гапирмаётганини сезиши билан уни билишга ошиқиб, узоқ вақт бош қотиради. Шундай вазиятга дуч келган ота-оналар, келинг, яхшиси, болаларимизнинг “кичкинагина” сирлари ва уларга нисбатан қандай муносабатда бўлиш ҳақида “каттагина” суҳбат қурайлик...

Ҳаммамизга ҳаётини тажрибадан маълумки, кичик ёшдаги болалар сирлашишни жуда яхши кўришади. Улар учун сир шунчаки “ҳаво”дан ҳам пайдо бўлиши мумкин. Масалан, ўйинчоқни ёстиқ остига беркитиш. Шунинг ўзи унинг учун катта сир. Ахир, ўйинчоғини яширганини ҳеч ким кўрмади-ку!

Кўпинча, ҳатто энг ишонувчан боланинг ҳам ўз ота-онасига билдирмайдиган гаплари бўлади. Лекин ота-оналар, одатда, фарзандлари доим “очиқ”лигига ва ҳеч нарсани яширмаслигига ўрганишган. Аслида ҳам бу улар учун жуда муҳим саналади. Шу боис, аксарият ота-оналар билан суҳбатлашганда, бола ўсмир ёшда сирли бўлиб қолади, деган фикрни эшитамиз. Аммо улар адашишади. Зеро, тўрт яшар болақайнинг ҳам ўз сирли бўлиши мумкин.

БОШЛАНҒИЧ СИНОФ ҲАММАМИЗГА

Бошланғич синфда ўқийдиган болада субъектив сирлар бўлишини инкор этолмаймиз. Айнан шу сирлар болақай ички оламнинг асоси, таянчи саналади. Ахир, ҳаёт дунёси, истак ва умидларсиз яшаб бўлмайди-да! Ички олам таъсири боланинг “мен”и шаклланаётганида намоён бўла бошлайди, унда ўзига хос

феъл-атвор юзага келади.

Шундай қилиб, фарзанди бошланғич синфда ўқийдиган ота-оналар диққати: болангизга ҳеч қачон бефарқ бўлманг. Лоқайдлик сизнинг душманингиздир. Болангизнинг ўз сирли бўлса, уни сиз билан бўлишишни истаиди. Мана шу пайтда “ишонч”ни оқласангиз, у кейинчалик ҳам сизни “сирдош” деб билади.



Шундай қилиб, фарзанди бошланғич синфда ўқийдиган ота-оналар диққати: болангизга ҳеч қачон бефарқ бўлманг. Лоқайдлик сизнинг душманингиздир. Болангизнинг ўз сирли бўлса-да, уни сиз билан бўлишишни истаиди.



“ОЙИЖОН, СИЗГА БИР ГАП АЙТАЙМИ?”

Агар фарзандингиз сизга бирор кўнглида сақлаётган гапи, ҳаёли, орзуларини айтса, унинг бу гапларини ҳурмат қилишингиз керак. Сиз учун бу гап аҳамиятсиздек туюлса-да болангиз учун жуда муҳим. Шу боис уни сир, деб билапти. Унутмангки, болақайнинг оламини қабул қилиши билан сизнинг дунёқарашингиз ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Агар бу борада хато қилсангиз, натижаси ачинарли бўлиши мумкин. Бола ҳамма нарсани ичига ютадиган, суҳбатлашмайдиган ва яқинларига ишонмайдиган бўлиб қолади. Шунингдек, фарзандингизни ҳамма нарсанинг майда тафсилотларига сўзлаб беришини талаб қилманг, яхшиси, кутинг. Вақти келиб, сизни қизиқтирган ва ўзи айтишни истаган ҳамма нарсани гапириб беради.

ЎСМИРЛАР ДУНЁСИ

Ўсмирлик ёши бола ва ота-она ҳаётидаги энг мураккаб даврлардан бири саналади. Бола 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган пайтда ўз яқинларидан анчагина узоқлашади. Руҳшуносларнинг фикрича, бу ҳолат табиий ҳисобланар экан. Шу маънода аксарият ўсмирларнинг ўтиш даврида ўз ота-онасига ишонмай қўйиши ҳам ҳаётини ҳақиқат. Ёшлик даврингизга ҳаёлан бир қайтинг, ахир, сизнинг ҳам 15-16 ёшда ҳеч кимга айт-

маган гапларингиз бўлган-ку?! Нега энди, улар фарзандингизда бўлмасин? Унинг шахсияти ва феъл-атвори ҳамон шаклланмоқда. Шу боис, чегара ва меъёрни тўғри ушланг. Энди у жажжи болақай эмас, нимани айтиш ва нимани яширишни ўзи ҳал қила олади.

ОТА-ОНАЛАР УЧУН КИЧИК КЎЛЛАНМА

1. Бола катта бўлаётганидан ва кўп вақтини дўстлари даврасида ўтказаятганидан ваҳимага тушманг. Мабодо, фарзандингиз ўз шахсий ҳаётининг маълум бир қисмига парда тортаётган бўлса, ушбу вазиятга нисбатан сабрли бўлинг. Унга дўст тутини олсангиз, маълум вақт ўтган, ҳамма сирларини ўзи очиб беради.

2. Ўсмир ёшдаги фарзандингизнинг сирини билиш, кўчадаги дўстлари ҳақида маълумот йиғиш учун босим дўтказиш ярамайди. Агар у сиз билан дилдан суҳбатлашишни истамаса, бу фурсатни тоқат билан кутинг. Елкангизга бошини қўйиб дардлашгани келганида эса кўрагидан итармасликни маслаҳат берамиз.

3. Ўсмир фарзандингизни қораламанг ва ўз фикрингизни уқтиришга ҳаракат қилманг. Сизга бўлган ишончи сўнишига хизмат қиладиган суҳбатлардан қочинг.


**Сожида НАСРИЕВА,
«Оила» илмий-амалий
тадқиқот маркази
Самарқанд вилояти бошқармаси
бош мутахассиси.**

ХО‘РОЗГА ҚИЧҚИРИШ МА‘Н ҚИЛИНДИ

Франция қишлоқларидан бирида истиқомат қилувчи Корин Фессонинг ҳаёти остин-устун бўлиб кетди. Унинг “Маурес” лақабли хўрози эрталаблари жуда ҳам баланд овозда қичқиргани сабабли қўшнилари аёлга қарши жанг бошлашди.

Фессо бундан ҳайрон бўлди, чунки қишлоқ жойларида хўрознинг қичқирishi оддий ҳол ҳисобланади. Бироқ, хўрознинг жонли “ижроси” дам олиш мақсадида қишлоққа ташир буюрган сайёҳларнинг норозилигига сабаб бўлди. Ахир сайёҳларга сокинлик керак-да.

Коринлар оиласи хўрознинг эрталаб 8:30 га қадар товуқхонада сақлашга ҳаракат қилишди, аммо қўшнилари бунга ҳам рози бўлишмади. Аёлни судга бе-



ришди. Суд ижрочиси хўрознинг узоқ вақт кузатди ва у ҳар уч куннинг иккинчисида қичқирishi мумкинлиги ҳақида қарор қабул қилди.

— “Мен “Маурес” ни ҳимоя қилишни

хоҳлайман, чунки у хўрози ва ҳар кун қичқирishi керак, — дейди Корин. — Бугун уларга хўрози ёқмайди, эртага эса эшақлар ва қурбақалар. Дам олиш мақсадида қишлоғимизга

келган сайёҳлар ўзларини уйларида деб ўйлашса, хато қилишади. Сайёҳларнинг таширфидан биз доимо хурсанд бўламиз, албатта, лекин улар бизга ўз талабларини қўймайликлар керак.

Айни пайтда “Маурес” Франциянинг энг машҳур хўрозига айланди ва қишлоқдаги ушбу моҳирода ким ҳақ эканлиги устида мунозаралар бошланди. Қизиги шундаки, Корин ҳалигача қайси қўшнини уни судга берганини билолмай ҳайрон.

Ҳа, европада ҳар нарса бўлиши мумкин. Бу воқеадан нотўғри хулосага бориб, яна қўшнингизни кунига 10 литр сут берадиган сигири устидан шикоят қилиб юрманг. “Маурес” лақабли хўрознинг Коринлар оиласига қанчалик нафи тегса, қўшнингизни сигири ҳам оиласига ундан кам фойда келтирмас керак.

Жасмин тайёрлади.

FIRIBGARLIK QURBONI BO'LDIM, BIROQ...

O'zbekiston Xotin-qizlar qo'mitasiga murojaat qilgan Nargiza Qayumova maktubi


ЭНГ БИРИНЧИ ТАДБИРКОРЛАРДАН ЭДИМ

Ассалому алайкум, тахририят хо-
диллари. Мен 2001 йилда ўз ташаббу-
си билан иш бошлаган энг биринчи тад-
биркорлардан бириман. Ўша пайтлари
ҳам Самарқанддаги кимё-технология-
лар институтида дарс бериб, ҳам ўқув
марказига шошилар эдим. Ўқувчиларим
ва шогирдларим ортгани сайин маркази-
миз тармоқлари ҳам кўпая бошлади.
Атрофда бизга ҳавас қиладиганлар
ҳам бор эди, ҳасад қиладиганлар ҳам...
Уларнинг ҳар хил тўхматларини эшитган-
нимда ўзим тўғри йўлда юрганим учун
эътибор ҳам бермас эдим. Бироқ...

2015 йил март ойи эди. Қизимнинг
уйига набираларимдан хабар олгани
бордим. Қолаверса, катта қизим ҳам
менинг изимдан бориб, ўқув маркази
очган эди. Тез-тез маслаҳатлашиб ту-
рардик. Хуллас, ўша куни кўп қаватли
уй олдидаги ҳовлига чиқиб, набирала-
рим билан сайр қилиб юрсам ёнимга
бир аёл юпун кийимда келди. У мени
танишини ва бир илтимоси борлигини
айтди. Ўзини Ҳабиба деб таништирган
бу аёл оилавий шароити туфайли
Украинада ўқийётган укасининг ўқишини
Ўзбекистонга кўчириши зарурлигини
тушунтирди. Мен унга бу масалада —
Олий ва ўрта махсус таълим вазирли-
гига мурожаат қилишини тайинладим.
У бўлса, йўқ, опажон, мен оддий ва 3
та боласини бир ўзи зўрға боқиб юрган
бечора бир аёлман, деди. Мен унга ҳеч
қандай ёрдам беролмаслигини яна
таъкидладим.

ОРАДАН БИР ЯРИМ ЙИЛ ЎТГАЧ...

Ўша суҳбатдан сўнг орадан бир
ярим йил ўтди. Бир куни Чилонзор тумани
ички ишлар ходими мени чақиртирди
ва устимдан ариза тушганлигини айтди.
Унга кўра, мен Шарипов Қўлдошнинг
ўгли Шарипов Йўлдошдан ва уни амма-
сининг қизи Ҳабиба Шариповадан Укра-
инада ўқийётган талабанинг ўқишини
кўчириш учун пул олган эканман. Тезда
Самарқанддан фарзандларимни ҳам
чақиртиришди. Қизим ўқув марказида
бу одамларнинг жиянини бепул ўқитган
экан. Яхшиликка ёмонлик қилишганини
кўриб, роса изтироб чеқди. Терговчилар
бирор ишонарли далил тополмагач,
ишни ёпишди.



ЁЛҒОН КЎРСАТМАЛАР ВА ДАЛИЛЛАР

2016 йил май ойида яна менга далил
ва исботларсиз шаҳар прокуратураси-
дан иш кўзгатилди. Август ойида тергов-
га чақирди. Терговчи Ойбек Каримов
тазийқ остида мени сўроқ қила бошла-
ди. Ҳатто ёлламоқчи бўлган адвокатла-
римни ҳам ёнимга йўлатишмади. Ёлғон
кўрсатмалар асосида ишимни судга
оширишди. 2017 йил март ойида бўлиб
ўтган судда 268-модданинг 2-банди
билан менга ҳукм ўқилди. Кимга нима
деб айтишимни билмай қолдим.

Мен ўша жараёнда Қашқадарёга
бориб Шарипов Йўлдош аслида ким
эканлигини астойдил суриштирдим. У
бола менинг биронта саволимга жавоб
бермади. Отасининг уйига бордим. У
ўглининг 2 та фарзанди борлигини,
бирок ўгли фарзандлари ва хотинини
ташлаб амакисининг қизи Ҳанифа
Шарипова билан шаҳарда яшаётган-
лигидан шикоят қилди. Отанинг айти-
шича, Ҳанифанинг ўзи ҳам, укалари
ҳам фирибгарлик бўйича бир неча бор
қамалган экан. Ушбу маълумотларнинг
барчасини суд ҳайъатига тақдим этдим.
Лекин мен берган маълумотларга ҳеч
ким эътибор бермади. 3 йил озодликдан
махрум этиш ёки бир йил назоратда
бўлишим ҳақида ҳукм ўқилди.

АДОЛАТСИЗЛИККА ҚАРШИ ҚАТЪИЙ КУРАШДИМ

Бошимга не ишлар тушган бўлса-да,
асло курашишдан чарчамадим. Ахир
мен зиёли аёл бўла туриб, ўз ҳуқуқимни
ҳимоя қила олмасам, бу дунёда нима
қилиб яшаб юрибман, дедим. Ирода-
ли ва матонатли бўлишимда турмуш
ўртоғимнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди.
Қон босимим ошиб кетаётганидан хаво-
тирланавериб у ҳам қанд касалига ду-
чор бўлди. Қайнонам ҳам қайгуравериб,
касалманд бўлиб қолди. Мен эса
ҳуқуқни ҳимоя қилувчи барча ташки-
лотларга мурожаат қилавердим. Бир
куни нега мен Ўзбекистон Хотин-қизлар
қўмитасига мурожаат қилмайман, ахир
ҳозир қўмита жуда катта ишларни амал-
га оширяпти-ку, дедим ўзимга ўзим.
Бирок, барибир мен ўйлаганимдек ҳал
бўлишига кўзим етмаганлиги рост. Буни
қарангки, мурожаат қилишим билан иш
тезлашиб кетди. Олий суд раиси менинг
ишим қайтадан кўриб чиқилишини
айтди. Судья Раҳмонқулов бошчили-
гида 2019 йил 1 май куни қайтадан
суд ўтказилди ва бу судда Ўзбекистон
Хотин-қизлар қўмитаси вакиллари иш-
тирок этишди. Бутунлай оқланганимни
эълон қилишганида ўз қўлоқларимга
ишонмадим. Менга далда бериб, ёним-
да турган қўмита вакилларида жуда
миннатдорман.

НОҲАҚЛИКЛАРНИНГ ЖАВОБИНИ ТАЛАБ ҚИЛАМАН!

Судда менга сўз беришди. Ич-
чимдан келаётган йиғини зўрға бо-
сиб, кўзимда ёш билан Ўзбекистон
Хотин-қизлар қўмитасига чин дилдан
миннатдорчилик билдирдим. Шунинг-
дек, менга нисбатан ноҳақлик қилган
Чилонзор тумани судьяси Дилмурод
Валиев ҳамда терговчи Ойбек Ка-
римовларга чора кўрилишини талаб
қилдим. Ахир қачонгача бундай "ҳуқуқ
посбонлари" туфайли содда одамлар
емаган сомсагига пул тўлаб юришади.
Менинг айбим тадбиркорлик қилиб,
атрофимдаги хотин-қизларни ишли
қилганим, рўзгоримга барака қилишини
истаганимми?... Нега иши юришган тад-
биркорларнинг оёғидан чалишга, қуну
тун меҳнатдан тинмай топаётган пули-
ни турли баҳона билан шилиб олишга
ҳаракат қилишади? Коррупцияга қарши
кураш олиб борилаётган бугунги кун-
мизда бундай инсонлар масъулиятли
вазифаларда ўтирмасликлари зарур!

ФАРЗАДЛАРИМ ҲАЁТДА ҚОҚИЛМАСИН, ДЕЙМАН

Ҳозирги кунда қизларим Матлу-
бахон ва Махлубахонлар ҳам тад-
биркор. Улар тил ўргатадиган ва мак-
табга тайёрлайдиган ўқув курсла-
рини бошқаришади. Шогирдларим
эса Самарқандда қандалатчилик ва
тикувчилик бўйича корхоналар очиш-
ган. Уларнинг барчасидан мамнун-
ман. Ҳар гал суҳбатлашганимизда ўз
ҳуқуқларини аъло даражада билишля-
ри зарурлигини уқтираман. Фарзандла-
рим ва шогирдларим мен каби ҳаётда
матонатли бўлишларини, ноҳақликка
қарши қатъий кураш олиб боришля-
рини истаيمان. Йўқса, арзимаган баҳоналар
билан уларнинг пулларига кўз тикувчи
важидонсиз одамлар кўп эканлигини
таъкидлайман.

Биласизми, икки йилдан бери
ўзимни ҳимоя қиламан деб қўлим ишга
бормай қолди. Маҳалла-қўйдан ҳам
уялиб қолдим. Гарчи тўхмат қилишган
бўлса-да, педагог бўлганим боис бо-
шимдан шундай ишлар ўтганига анди-
ша қиламан. Зиёли бўла туриб, мен-ку
шунча қийналдим. Ўз ҳуқуқини билма-
ган оддий одамлар таъйиқдан қўриб,
уларнинг айтган пулларини тўлаб
кутулишга ҳаракат қилишади. Мен ана
шундай ҳолатлар давом этмаслиги
учун бироз бўлса-да, ўз ҳиссамни
қўшдим деб ўйлайман. Ўз курашля-
рим, ҳаракатлярим билан яхши нати-
жага эришганим учун Яратганга шукр
қиламан. Шун билдимки, бизнинг
юртимизда чиндан ҳам ҳақиқат учун
катта кураш бошланган экан. Йўқса,
мен ўз мақсадимга эришмаган бўлар
эдим. Айни пайтда яна институтдаги
ишимга қайтдим. Тарих ва ҳуқуқдан
талабаларга дарс бераман. Ўз бо-
шимдан кечган воқеаларни мисол
келтириб, талабаларимга ҳаммisha
ҳақиқат учун курашиш зарурлигини
уқтиришдан сира чарчамайман. Мак-
тубимни ўқиган замондошларим ҳам
ўз ҳаётлярига, уларга тўсиқ бўлаётган
муаммоларга ҳушёр назар солиш-
лярини истаيمان. Ҳаётимиз яхши
бўлиши учун фақатгина раҳбарлар
эмас, юртимиздаги ҳар бир фуқаро
ҳаракат қилиши лозим.

Ҳурмат билан Нargiza ҚАЮМОВА.

Мактубни Мухтасар
ТОЖИМАТОВА оққа кўчирди.
oilvajamiyat@mail.ru

**Нега иши юришган тадбиркорларнинг оёғидан
чалишга, қуну тун меҳнатдан тинмай топаётган
пулини турли баҳона билан шилиб олишга ҳаракат
қилишади? Коррупцияга қарши кураш олиб борила-
ётган бугунги кунда бундай кимсалар масъулиятли
вазифаларда ўтирмасликлари зарур!**



TARIXDAN SO‘ZLAGAN SURATLAR

Нурота ва Моргузар тизма Тоғлари кесишган жойда Ғубдин қишлоғи жойлашган. Аҳолиси асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланиб келади. Кенг яйловларда ёйилиб юрган күй-қўзиларнинг яйраб кўпайиши учун шарт-шароитлар етарли бўлганлигидан аҳолининг турмуш тарзи йилдан йилга яхшиланиб, фаровонлашиб бормоқда. Биз бу ерда баян қоятошлардаги суратларни ҳам кўздан кечиришга муваффақ бўлдик.



ифодаланган. Мусавир томонидан суратнинг ҳар бир қисми (детали) моҳирона ўйилган. Ушбу тасвирларни кўздан кечирарканмиз ўтмишда ҳам ўлкамиз табиати бой ва хилма-хил бўлганлиги, уй ҳайвонларини боқиб учун шарт-шароит мавжуд эканлигини яқиндан билиб олдик.

Тоғларда жам-

шўх-шодон қизлар сиймоси тасвирланган бўлиб, инсонлар қиёфасини эслатувчи кўринишга эга. Уларга ҳеч ким ишлов бермаган, тарашламаган. Она табиатнинг халқимизга инъом этган маҳсулидир.

Шунингдек, сафаримиз давомида қадимий тош ўчоқ, меҳнатдан сўнг хордиқ чиқариш учун улкан тошлардаги бир неча айвон ва супаларни ҳам кўздан кечириш насиб этди. Улардан ўтмишдаги ажодларимизнинг қандай фойдаланганликларини ҳам билиб олдик.

Умуман олганда, қўшни Ғаллаорол тумани ҳудудида жойлашган Ғубдин қишлоғидаги қоятошларда ўнта жойда

нодир асарлар улғайиб келаётган ёш авлод учун ҳам ўлкамиз табиати ва ҳайвонот оламини ўрганишда катта аҳамият касб этади.

Шу тумандаги Қоранғул қишлоғи ҳудудидаги айрим тошлар турли нуқтадан ўзгача кўриниши билан ҳайратланарлидир. Улар олисдан одам гавдасини эслатади: ибодат қилаётган аёлни, йиғлаётган болани, күй-қўзилар боқиб юрган чўпонни... Келинтош эса худди сизга салом бераётгандек туюлади. Шунда беҳтиёр табиат – моҳир ҳайкалтарош, деган фикр кўнглимиздан ўтди.

Ёзги таътил кунлари ўқувчилар билан уюштирилган саёхатимиз давомида нонтош, кенг, ёйиқ супа ҳамда тухумсимон тошларга ҳам дуч келдик. Мутахассисларнинг таъкидлашича табиатнинг бу сирли топилмалари неча-неча асарлар муқаддам турли вулкон отилишлари, вақт ўтган сайин тоғ жинсларининг емирилиши ҳамда кучли шамол туфайли вужудга келган экан.

Биз дара бўйлаб тобора юқорига кўтарилар эканмиз қаттиқ, ялтироқ, худди пичоқ билан кесилгандек баян қоятошларда эчки, ҳўкиз, кўй-қўзи ҳамда ёввойи ҳайвонлардан бўри, қоплон, турли қушларнинг суратларини кўришга муваффақ бўлдик. Шунингдек, қадимда ов маросимида қўлланилган ўқ-ёйлар ва яроғлар ҳам ўша даврдаги ҳаваскор мусавирлар томонидан акс эттирилган. Уларда ўтмишдаги ажодларимиз дунё қараши, тасавури ва ҳаёт тарзи ифодаланганлигининг гувоҳи бўлдик.

Қоятошлардаги суратлар ёмғир ёққанида ёки қуёш тик тушганида кўзга яққол ташланади. Бу суратлар ўтмишдан акс-садо беради. Табиатнинг бу мўъжизаларидан ҳайратланмасликнинг иложи йўқ. Уларни табиат маҳсули, ўлкамизнинг бой мероси ва тарихий аҳамиятга эга эканлигини, гўзалликка завола етказмаслик лозимлиги ҳақида ёш авлодга тушунтириб берамиз.

Шаҳло БЕГИМҚУЛОВА,
Жиззах шаҳридаги 22-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.

Қоятошлардаги суратларда тоғ эчкиси, архарлар, уй ҳайвонлари, сурув ортидан келаётган чўпон каби кўплаб тасвирлар акс эттирилган. Улар қоятошларга ўйиб ишланган бўлиб, ўлкамизнинг нодир дурдоналари ҳисобланади. Аҳоли масканидан анча узоқда бўлганлиги ҳамда шамол ва ёғингарчиликка терслиги сабаб бу суратлар бугунги кунга қадар сақланиб қолган. Суратлар ўз даврининг моҳир мусавирлари томонидан тошларга ўйиб ишланган.

Ҳар бир тошнинг ўзига хос хусусияти бор. Улардаги ноёб дурдоналарнинг чизиқлари аниқ ва равшан



Аҳоли масканидан анча узоқда бўлганлиги ҳамда шамол ва ёғингарчиликка терслиги сабаб бу суратлар бугунги кунга қадар сақланиб қолган. Суратлар ўз даврининг моҳир мусавирлари томонидан тошларга ўйиб ишланган.

ланган ҳолдаги харсангтошлар кўп. Икки кўчор шохлашиб тош қотганга ўхшайди. Айиқ, кобра, тошбақа, балиқ каби жониворларга ўхшаш тошлар ҳам мавжуд. Баян телаликдаги қирққиз ва кампиртошлар жонсиз бўлса-да, оналар ҳамда

жами 300 дан ортиқ суратлар мавжуд экан. Уларни кўриб ҳайратимиз янада ортди. Юқори синф ўқувчиларининг таассуротлари бойиб, вужудларида янада куч-ғайрат ва шижоат пайдо бўлди. Қоятошларни очиб осмон остида музей ҳам дейиш мумкин. Бу каби

PALMA yog‘i foydalimi?

“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ва “Буюк келажак” халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамкорликда аҳоли саломатлиги ва турмуш тарзини яхшилаш мақсадида “Пальма ёғининг инсон соғлигига таъсири” мавзусида кўшма тадқиқотни амалга оширмоқда.

Тадқиқот ишлари жорий йилнинг май ойида бошланиб, бугунги кунда тегишли вазирлик ва идораларнинг ушбу масала юзасидан ҳулоса, таклиф ва статистик маълумотлари умумлаштирилмоқда.

Жумладан, Давлат статистика қўмитасининг пальма ёғининг охириги 10 йил ичида импорт қилиниши тўғрисидаги статистик маълумотлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг пальма ёғининг инсон организмга таъсири, ижобий ёки салбий хусусиятлари, шунингдек, бошқа қатор ташкилотларнинг бугунги кунда пальма ёғидан қайси турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилиши ҳақидаги маълумотлари тўпланди. Шунингдек, ушбу йўналишда ривожланган давлатлар тажрибаси ўрганилмоқда.

Таъкидлашчи, Ўзбекистонга

пальма ёғининг импорти 2000 йиллардан бошланган ва дастлабки етказиб берилиш миқдори 5 минг тоннани ташкил этган. Бугунги кунда тахминий ҳисоб-китобларга кўра, бу кўрсаткич 42 минг тоннагача ўсган.

Европанинг озиқ-овқат хавфсизлиги агентлиги ва Озиқ-овқат қўшимчалари бирлашган экспертлар кенгаши пальма ёғининг қандай зарарлари борлигига аниқлик киритди. Жумладан, гидрогенизация йўли билан олинган (водород атомларини қўшиш орқали суяқ ёғларни қаттиқ ёғларга айлантириш) пальма ёғлари энг арзони ҳисобланади, у мум ёки парафинни эслатади. Бу ёғ таркибида фойдаланиш компонентлар йўқ, шунингдек, ёғ юқори ҳароратда қайта ишланганда унда кўп миқдорда зарарли



моддалар ҳосил бўлади.

Пальма ёғи 45 фоизгача палметин кислотасидан таркиб топган. Ушбу моддадан кўп миқдорда фойдаланиш – атеросклероз ривожланишига, томирлар ёғ билан қопланишига олиб келади. Атеросклероз, ўз навбатида, юрак-қон

томир касалликларининг ривожланишида муҳим омилдир.

Ўтказилган ўрганиш ва тадқиқот натижалари кенг жамоатчилик учун тақдим этилади ҳамда ишлаб чиқилган таклифлар тегишли органларга киритилади.

Тошкент метрополитенининг очилганига 42 йил бўляпти. Илк бешта бекатдан иборат бўлган метрода бугунга келиб, бекатлар сони 29 та. Шу ўринда Тошкент метрополитени МДХ давлатлари ичида ўз чиройи билан иккинчи, дунё миқёсида эса еттинчи ўринда туришини таъкидлаш лозим.

Бугун Тошкент метрополитени пойтахт транспортининг энг оммавий тури бўлиб, йўловчи оқими кўрсаткичлари буйича етакчи ҳисобланади. Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган тадқиқот натижаларига кўра, ер ости транспортдан ҳар кун икки ўрта ҳисобда 200 000 – 250 000 минг аҳоли фойдаланади.

Вагонлар реклама берувчиларнинг ихтиёрида, улар ўз компаниялари, маҳсулотлари ёки хизматлари ҳақидаги ахборотни реклама ташувчиларнинг бир неча турлари ёрдамида жойлаштиришади, яъни, рекламани электропоезд вагонлари орқали тарқатишади.

Метрополитенининг муҳим хусусияти шундан иборатки, ундан турли ёшдаги ва ҳар хил ижтимоий мавқега эга кишилар фойдаланадилар, шу боис, Тошкент метрополитенидаги реклама потенциал харидорларнинг кенг аудиториясини қамраб олиш имконини беради. Булар – мактаб ўқувчилари, талабалар, даромад даражаси турлича бўлган ўрта ёшлилар.

Вагонларда реклама жойлаштиришнинг икки хил кўриниши мавжуд, А2 ўлчами деворларда ва 16x52 см ўлчами электропоезд вагонларининг эшиклари устида жойлаштирилади.

Кейинги йилларда метро вагонлари ҳамда бекатларга телевизорлар ўрнатилди. Бекатларга ўрнатилган телевизорлар ҳақиқатан ҳам одамларнинг вақтини тежай-



etroga televizor shartmi?

ди, озгина муддатга бўлсада турмуш ташвишларидан чалғитади. Аммо вагон ичидаги телевизорлар ҳақида турли эътирозли фикрларни эшитдик. Хўш, аслида метрога телевизор керакми, йўловчилар учун қандай қулайликлари бор?

– Метро бекатлари шунингдек, вагонлар ичида реклама жойлаштириш асосан Президентимизнинг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш буйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига асосланиб жойлаштирилади, – дейди Тошкент метрополитени унитар корхонаси ҳаракат хизмати бошлиги Султонали Қодиров. – Биринчидан, республикага туристлар оқимини кўпайтириш, кириш туризмни миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бирига айлантириш, мамлакатнинг маданий-тарихий мероси ва табиий бойликларини кенг тарғиб қилиш, иккинчидан, қўшимча даромад топиш мақсадида вагон ҳамда бекатларга телевизорлар ўрнатилди. Телевизор экранлари орқали асосан ижтимоий видео роликлар, лавҳалар, болалар учун мультфильмлар, савдо масканлари тўғрисидаги маълумотлар ва ҳоказолар бериб борилади.

Метронинг “Амир Темури”, “Буюк ипак йўли”, “Бодомзор”, “Абдулла Қодирий”, “Беруний”, “Ҳамид Олимжон”, “Мустақиллик майдони”, “Пахтакор” бекатлари бўйлаб ҳаракатланаётган йўловчиларнинг фикрлари билан қизикдик.

– Мен ҳар кун ишга бориш учун метро хизматидан фойдаланаман, – дейди Бектемир туманида яшовчи Мус-

лимбек Иноғомов. – Эрталаб вагонлар тирбанд бўлади. Ҳеч кимнинг телевизор экранига қарашга вақти йўқ. Баъзида телевизор овозининг баландлигидан тушадиган бекатимни эълон қилишганида яхши эшитмай бошқа бекатга ўтиб кетган ҳолатлар ҳам юз берган.

Сафарбек НИЁЗОВ:

– Уйга бориб телевизорни ёқсанг реклама, интернетга кирсанг реклама, ер ости-

М. Акбарова телевизор томоша қилганида касали ҳақида бир муддат унутиб, соғлиғи яхшиланиши, бу унга малол келмаслигини баён қилди.

Чилонзор туманида яшовчи талаба Дилором Комиловага метрода телевизор кўйиладими, йўқми заррача кизиғи йўқ. Чунки у ер остида юрганида ҳам, ер устида юрганида ҳам кулоқчидан фойдаланади.

Фарзандларини метро орқали болалар богчасига олиб келувчи оналар эса вагонлардаги телевизор орқали кўпроқ мультфильм ҳамда болажонларни овутадиган курсатувлар берилиши тарафдори.

Наشريётлардан бирида мусахҳиҳ бўлиб ишловчи Бекмурод Тиллаев вагонлардаги телевизорлар йўл-йўлакай бирор янги маълумотга эга бўлишга ёрдам беради деган фикрда.

– Мисол учун, пойтахтга шифохонага келган одам борадиган манзилнинг телефон рақамларини реклама роликлар орқали билиб, қийналмай топиб олиши мумкин, – дейди Б. Тиллаев. – Ёки қайсидир беморга керакли дори-дармонлар бор дорихоналарнинг телефон рақамлари ҳам шу роликлар орқали бериб борилади. Аммо рекламаларнинг овози баланд, шовқинли бўлмаслиги керак.

Юқорида таъкидланганидек, бир кунда метродан икки юз икки юз эллик мингга яқин йўловчилар фойдаланишади. Шундай экан, кўп сонли йўловчиларнинг фикрлари бошқача бўлиши мумкин. Биз эса ушбу мавзуга яна қайтамиз.

Нигора РАҲМОНОВА,
«Оила ва жамият»
муҳбири.



га тушсанг яна ўша ҳолатга дуч келасан. Ҳеч бўлмаса ер остида юрганимизда тинч-хотиржам хаёл суришга йўл қўйиб беришга яхши бўларди.

Метронинг “Абдулла Қодирий” бекати бўйлаб ишга қатновчи Мусаллам Акбаровага эса қон босимининг меъёрига тушишида айнан метродаги телевизор ёрдам берар экан.

QASHQADARYO VILOYAT ARXIV ISHI HUDUDIIY BOSHQARMASI HAMDA VILOYAT DAVLAT ARXIVI JAMOASI

Тарихий хотирасиз келажакни тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада Қашқадарё вилоят архив иши ҳудудий Бошқармаси ҳамда вилоят Давлат архиви жамоасининг амалга ошираётган ишлари таҳсинга лойиқ. Бугунги кунда архив иши соҳасида 100 нафардан ортиқ малакали мутахассислар фаолият олиб бормоқда. Улар учун барча шарт-шароитлар яратилганлиги соҳанинг янада ривожланишига ҳисса қўшмоқда. Соҳани ривожлантиришда бевосита оммавий ахборот воситаларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. 27-июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куну муносабати билан соҳа ходимларини табриклайди. Оилавий тотувлик, сиҳат-саломатлик ва узоқ умр тилайди.



БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

JURNALIST AYOLNING O‘YLARI

Мактабни битирган йилим ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ)нинг журналистика факультетига ҳужжатларимни топширолмадим. Сабаби ОАВда бирорта мақолам чоп этилмаган эди. Тоғам ҳужжатларимни филология факультетига топширишимни маслаҳат берди. Мен рад этдим: “Янаги йил мақолаларимни газеталарда чиқариб, журналистика факультетига топшираман” дедим.

Мақола ёзишни ўрганиш мақсадида туман газетасига иш сўраб бордим. Аммо мен учун у ерда қандай иш бўлиши мумкин? Мухаррирга мақола ёзишни ўрганмоқчи эканлигимни айтдим. Мухаррир бир зум уйланиб турди, “Агар йўқ демасангиз фаррошлик иши бор, эрталаб ходимлар келгунча тозалаб кўясиз, кейин куни билан бекорсиз, журналистларга қарашиб юрасиз”, – деди. 18 ёшли ўсимир кизга бу тақлим ёқмади, албатта. Аммо мен рози бўлдим. Мақола ёзишни ўрганиш, газетага мақола чиқариш мен учун ҳаммасидан ҳам муҳим эди.

Ишга жуда эрта келардим. Челакни ҳовлидаги кран тагига қўярдим-да, тўлгунча четга чиқиб турардим. Чунки тахририят йўлининг ёқасида эди. Челак сувга тўлгач, олардим югуриб ичкарига кириб кетардим, йўлдан ўтиб-қайтаётганлар кўриб қолишдан истиҳола қилардим. Ходимлар келгунча ишимни битириб қўярдим. Мен учун журналистларнинг оддийгина оқ қоғозини рўқчалари жуда қадридли эди. Уларга ҳавасим келарди. Учириб ёзилган, ташлаб юборилган кўлэзма мақолаларни олиб, ўқиб чиқардим. Хуллас, мақола билан ҳарф терувчидан ўтиб, газета саҳифасига кўюлгунча мен танишиб бўлган бўлардим. Кун бўйи мусахҳихларга қарашардим, ҳарф терувчига маттни ўқиб турардим. Ҳатто биринчи қаватдаги босмаҳонада ҳам уралашиб юрарлардим. Мухбирлар гоҳ очерк, гоҳ репортаж, гоҳ фельетон ёзиш учун худудларга кетадиган бўлса, албатта, мен ҳам шерик бўлардим. Журналистлар суҳбатдоши билан савол-жавоб қилганидан токи мақола тайёр бўлиб саҳифага кўйгунча юрарлардим.

Октябр ойида ҳаваскор мухбирлар мактабни иш бошлади. Мен ҳам ўша мактабга кириб ўқидим. Олти ой давомида у ерда ҳам мақола ёзиш сирларини ўргандим. Ва матбуот эркинлиги кўни муносабати билан мени фаол мухбир сифатида Чингиз Айтматовнинг “Асрга татигулик кун” китоби билан тақдирлашди. Бу биринчи олган ҳадям ҳамон мен учун жуда қадрли.

Демоқчиманки, бўлгуси журналист учун тахририятда амалиёт ўташ жуда зарур.

МАЗУ ЙЎҚМИ ЁКИ ҲАФСАЛА

Баъзида тахририятимизга амалиёт ўташ учун талабалар келишади. Уларнинг кўпчилиги амалиёт ўташ жараёнида, ҳатто хабар, ахборот ёзишга нўноқлигини кўрсатиб қўяди. Бирон мақола тайёрланг, десангиз “маву йўқ” деган жавобни эшитасиз. Ана шундай пайтда жавобли ёшларимизнинг касбига эътиқоди, муҳаббати йўқлигидан ўқинаман. Зеро, талабаларнинг йиллаб олган назарий билимлари бир томон тахририятларда қисқа муддатда ўрганганлари бир томон. Чунки журналистнинг тахририятга келиб бевосита жараёнда иштирок этиши назариядан ҳам кўра кўпроқ билим беради. Афсуски, ана шу имкониятни қўлдан бой берадиган тахририят ва талабалар орамизда учраб туради. Яъни ама-

ёки аксинча, ҳар қандай эзгуликларнинг бошида олижаноб қалбли инсонлар туради. Ана шундай қалб эгалари ҳақида ёзмай қўйдик. Қалб тарбияланмас экан, ҳеч бир ишга чин кўнгилдан ёндошмас эканми, ечимини кутиб ётган муаммолар кўпаяверади.

ҚАНДАЙ ЁЗИШ КЕРАК?

Ижодкорнинг ёзганларидан кўнгли



лиётга қойиллатиб келмаган, бирон нарсани ўрганмаган талабага тахририят амалиёт маълумотномасига ҳеч қандай эътирозсиз муҳр босиб беради.

Яна бир гап. Журналистика факультетида фанни яхши биладиган, аммо умрида бирор тахририятда ишламаган, ҳатто мақола ёзмаган мутахассислар мақола ёзиш техникаси, соддароқ тилда айтганда машаққатини, меҳнатини қандай талабага етказолади? Шунинг учун тахририятда бир неча йиллар ишлаган тажрибали журналистлар билан университет ўртасида мустақкам алоқа ўрнатилиши ва дарс соатлари белгиланиши лозим. Тахририятдан маълумки, тахририятимизга амалиёт учун келадиган талабаларга бирор мақолангизнинг ёзилиш тарихини айтиб берсангиз олдингиздан кета олмай қолади. Демак, улар учун тахририятда ишлаётган журналистнинг кўзатувлари, тажрибаси қизиқарли.

“**Биз журналистлар одамлар ҳақида, ИНСОН ҳақида, унинг ҳаёти ва ҚАЛБИ ҳақида ёзишни унутдик. Зеро, ҳар қандай воқеликнинг ортида ИНСОН, яъни ҳар қандай кўргулик ортида сўқир ёки аксинча, ҳар қандай эзгуликларнинг бошида олийжаноб қалбли инсонлар туради. Ана шундай қалб эгалари ҳақида ёзмай қўйдик. Қалб тарбияланмас экан, ҳеч бир ишга чин кўнгилдан ёндошмас эканми, ечимини кутиб ётган муаммолар кўпаяверади.**”

тўлмаган пайтлари кўп бўлади. Саволларга жавоб тополмайди, ўзига ёқмадим, демак ўқувчининг ҳам қалбини забт этмайди ёки кутилган натижани бермайди.

Баъзида ёшлар нимага жиноятга қўл урапти, деган саволни ташлаймизу жавобимиз мана бундай бўлади: “тўқликка шўхлик, ишсизлик, етишмовчилик, тарбиясизлик”, деймиз.

Тошкент вилоятидаги туманларнинг бирида коллеж ўқувчиси мунтазам дарс қолдирарди. Таниш ўқитувчим ҳалиги боланинг уйига боради ва аниқланадики, ота-она ноғирон, яъни кўзи ожиз. Оилада олти киши чала битган икки хонали уйда яшайди. Коллеж ўқувчиси ошхонада ишлаб оиладагиларни боқайди. Агар бола ишга қилмас оиласидагилар оч қолади. Уйнинг таъмирланмаганиги, шароитсизлики гапирмас ҳам бўлади, хўш айтинг-чи, бу болага дарсни қолдирма деб айта олмасизми?

БУГУНГИ КУН ҚАҲРАМОНИ

Бугун юртимизда қаҳрамонлар тўлиб ётибди. Масалан, хотини аравачага михланиб қолган Отабек Усанов ва унинг турмуш ўртоғи Гулноза Саидова ҳақида керак бўлса ҳар кун ёзиш мумкин. Ҳар бир одаимийлик ҳақида ёзган мақолаларимизга такрор-такрор қўшасан бўлади. Телевидение, матбуот орқали истеъдодсиз баъзи санъаткорлар, баъзи актёрлар юлдуз даражасига чиққанда нега ҳаётимиз, ҳаёлимиздан ана шундай жасоратли одамлар учун жой бермаслигимиз, уларни қаҳрамон даражасигача кўтармаслигимиз керак.

Фаргонанинг Бувайда туманида беҳуш ётган Мадина оёққа туриб кетгунча қайта-қайта мақолалар ёзилиши

керак аслида. Зеро, у иқтисодий аҳволи яхши бўлган бирор кимсанинг назарига тушса, унга ҳомийлик қилишса, оёққа турса... Мана шундай тақдирли инсонлар ҳақида кинолар олинишини, ўша кинолар туфайли олимлар касаллигининг давосини излашини, унга қараётган онанинг, отанинг изтиробларини кўрган шифокорлар ўз устида ишлашни, виждони қийналишини истаيمان.

МИЛЛИЙ ЖУРНАЛИСТИКА-МИЗНИНГ БУГУНИ

Ахборот замонида яшаймиз. Ҳар сонияда юз бераётган янгилик, воқеа, ҳодисалар бугунги кун журналистидан нафақат тезкорлиқни, балки зийраклик ва ҳолисликни талаб этади. Миллий журналистикамиз келажаги салоҳиятли кадрларга боғлиқ экан, етук мутахассисларни етиштириш бугунги куннинг долзарб вазифаси. Яқин-яқингача хорижлик журналистларга ҳавасимиз келарди. Ҳар қандай вазиятда, энг қайноқ нуқталарда фаолиятини олиб бораётган журналистлардаги жасоратни, касбий эътиқодни, садоқатни кўриб кўнглимнинг бир чети хижилланарди. Ўзга юртлар у ёқда турсин, умрида бир мартаба бўлса-да вилоятга сафарга чиқмаган ҳамкасбларим ҳам борлигини ўйлардим. Ахир, журналист замон билан, ҳатто замондан бир қадам олдинда юриши керак эмасми?

Журналистлар бугун турли мамлакатларга бориб малака ошириб келишмоқда. Хориж мамлакатларининг иши, тажрибаси билан ўртоқлашишмоқда. Лекин ҳали деярли бирорта хориж журналистикаси, уларнинг иш тажрибалари ҳақида пичоққа илинадиган мақола ўқимадим. Олтин қалам каби муқофотларнинг таъсис этилгани, танловларнинг ташкил этилганига 15 йилдан ошди. Демак ҳар танловда 10 нафардан иштирокчи қолиб бўлган бўлса, бу 150 нафар кучли журналист аниқланди дегани. Аммо биз ана шу кучли журналистларнинг кучли мақолаларини бугун кўрмаймиз.

ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАНИШ АЙНИ МУДДАО

2018 йилда “Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети”ни ташкил этиш тўғрисида”ги Президентнинг қарори имзоланди. Унинг иккинчи бандида бир неча хорижий тилларни муқаммал билладиган халқаро журналистлар ҳамда илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, соҳа ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш белгилаб қўйилган. Зеро, бугунги кун журналисти бир неча тилни билмас барчаси бекор. Ёш битирувчиларни хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказларнинг магистратура ва докторантурасида таълим олиши учун мунтазам юборилиши орқали университетнинг илмий-педагогик салоҳияти ошади.

Журналистларнинг бир неча тилни билиши, интернет соҳасини ўзлаштириши бугунги кун учун ўта муҳим. Ва ушбу университетда тахсил оладиган бўлгуси кадрлардан умидларимиз катта. Аммо шундай тезкор замонда айна пайтда ёшимиздан қатъи назар фаолият олиб бораётган биз журналистлар вақтни бой бериб қўймаймизми? Шу боис ёшидан, тажрибасидан, салоҳиятидан қатъи назар ҳар бир журналист шу бугун, шу сониядан бошлаб ҳеч бўлмаган бир тил ўрганишга киришини, интернет имкониятларидан кенгроқ фойдаланишни ўз олдига мақсад қилиши лозим.

Барно СУЛТОНОВА

URUSH O'CHOG'IDAN QAYTGAN ONALAR

yoki mahkumlikda diydordan totliroq ne'mat bo'lmaydi



Уларнинг бири самолётдан тушибок, заминга пещонасини теккизди, яна бирининг кўзларидан тирқираб ёш чиқди. Улар самолётдан тушган оддий йўловчилар эмас. Уруш ўчоғидан, алданиб, адашиб тушиб қолган, ҳаётнинг бор зарбаларини кўриб, қийноқ дунёсидан келаётганлар. У ерда кундалик турмуш ташвишлари билан ўралашиб юриш онларини соғинган оналар, шўхликлари, бегубор бўлган онларини бахтиёр ўтишини истаётган болалар бор.

Улар орзу қилиши ҳам қийин бўлган ҳодиса амалга ошди – улар Ватанига қайтди. 156 нафар аёллар ва болаларнинг Суриядан Ўзбекистонга қайтарилиши нафақат келаётганлар, балки кенг жамоатчилик учун ҳам қутилмаган хабар, ҳайратланарли воқеа бўлди. Кимнингдир кўнглида умид, бошқа биронинг кўнглида ҳадиқ пайдо бўлди, ҳатто.

“Барча мусулмонлар учун муқаддас бўлган Рамазон ойида фуқароларимизни қутқариш бўйича муваффақиятли амалга оширилган гуманитар миссия Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, махсус хизматлари ва бошқа идораларининг мувофиқлаштирилган ҳаракатлари самарасидир. Турли сабабларга кўра бегона юртларда оғир ҳаётини вазиётга тушиб қолган ватандошларимизга Ўзбекистон Республикаси ҳимоясида эканликларини, давлат уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча чоралар қўллашینی маълум қилишни муҳим деб ҳисоблаймиз”. Бу воқеа ҳақида оммавий ахборот воситаларида шундай хабар берилди.

Инсонпарварлик, кечиримлилик, бағрикенглик... Бу сўзларни яна узоқ давом эттириш мумкин. Мен бу оналар, болалар қандай шароитда яшаганидан хабарим йўқ, уларнинг бошидан нималар ўтганини билмайман. Аммо улар уруш ўчоғидан ке-

лаётганининг ўзи ўқувчиға кўп маъно беради. Уни бўрттириб тасвирлаш ниятидан йироқман. Фақат яқинда диний экстремизм оқимига қўшилиб қолган, дея судланиб, олти йил давомида жазони ижро этиш муассасаларида бўлиб қайтган аёл билан суҳбатлашганимдаги фикрлар ёдимга келди. Аёл афв этилганлар сафида ўз она кишлоғига қайтган, кундалик ҳаёт тарзини давом эттираётган эди, кўзлари порлаб турибди, тилида шукрона.

– Маҳкумлиқдаги йиллар давомида фарзандимнинг сўзлари, унинг мени интиқ кутгани менга, далда бўлиб турди, – дейди Тойлоқ туманидан Шахноза. – Уша ёқда (жазони ижро этиш муассасаси)даги илк ойлар эди. Ўғлим билан кўришишга руҳат беришди. Ушанда у ўн ёшда эди. “Ойижон, дунёдаги энг чиройли она сизсиз!”, Бу сўзлар менга куч берди, у ердаги ҳаётимга мазмун бағишлади.

– Куч берди, деяпсиз, демак у ердаги ҳаёт сиздан жуда кучли бўлишни тақозо қилган, шундайми?

– Албатта, яқинларингдан узоқда, озодлиқдан маҳкумлиқда яшаш инсонни кўп нарсадан мосуво қилади. Қолаверса, жиноят оламидаги турли инсонлар билан бирга яшаш, бунга кўникиш осон кечмайди, кишидан мустаҳкам ирода, куч талаб этади.

Айниқса, уйингда ака-опала-

ринг, сенга ишониб юрган ота-онанг бўлса, у ёқ нақ жаҳаннамга айланади. Қамалганимнинг биринчи йиллари жуда оғир кечганди. Ака-опаларимнинг ҳаётига ҳам таъсир қилганди ҳатто. Фотиҳа қилиниб, тўйи бўлиши керак бўлган қариндош қизлардан куёвлар юз қилиб кетди, яқинларим билан муомала қилишда кўни-кўшнилари эҳтиёт бўлиб қолишди. Акаларимнинг юзи мени деб шувит бўлди. Бундан оғири бўлмаса керак.

Олий маълумотли мутахассис бўлганман. Турмуш ўртоғим аввал жазога тортилди, кейин мен...

– У ёқда ўзингизни асраб қолишингиз учун қандай йўл тутдингиз?

– Биласизми, инсон ҳар қандай шароитда ўзлигини асраб қолиши мумкин. Дунёқараши, фикрлаш доирасига қараб одамлар ўз ўзидан ажралиб қолаверади. Қолаверса, у ерда жуда яхши муносабат, парваришга гувоҳ бўлди. Ҳамма шароитлар бор, эътибор ҳам ёмонмас, ҳатто байрамларда қимматбахо совғалар тарқатиларди. Лекин буларнинг бирортаси кўзимизга кўринмасди. Уй соғинчи, яқинларингнинг дийдорини кўмсаш, маҳкумлиқ инсонни бошқа бир кишига айлантириб кўяркан. Бундай пайтларда энг қиммат

совғалару, эътибор ҳам кўзингизга кўринмас экан. Фақат яқинлар билан учрашув эълон қилингандагина маҳкумларнинг кўзларида қувонч порларди. Бошқа пайти...

– Озодликка чиққанингизда ўғлингиз капкатта йигит бўлиб қолгандир..?

– Акам билан янгам унга худди ўз ўғлидай меҳр билан тарбия беришди. Яқинларимдан бир умр миннатдорман. Улар энг қийин аҳволимда мендан юз ўгиришмади, аксинча, далда бўлишди. Президентимизнинг афв этиш ҳақидаги қарорларини биз катта қувонч билан қарши олдиқ. Бу кунни қанчалик орзиқиб кутганимизни ўзимиз ва Аллоҳ билади, ҳолос.

– Қайтганингиздан сўнг жамоатчиликнинг муносабати қандай бўлди?

– Тўғриси, кутмагандим, аммо келишимиз биланоқ ҳолимиздан хабар олишди, пул маблағлари беришди, муаммоларимиз ҳақида сўрашди. Ахир, озодликдаимизку, қўл-оёғимиз бут, муаммоларни ҳал қилиб олаверамиз. Турмуш ўртоғим қайтиб келгач, ҳаётимизни давом эттириб, ўғлимизни яхши тарбия қилса, шундан олий бахт йўқ.

Мамлакатнинг ўзида, яқинларини ҳар замон кўриб турса-да, уларнинг дийдоридан улуғроқ неъмат йўқ деб айтаётган аёл билан Суриядан қайтган аёлларни беихтиёр қиёсладим. Уларнинг мунгини, дардини ҳис қилгандай бўлдим. Самолётдан тушибок она заминни тавоф қилаётган аёлнинг ҳолати айрилиқнинг, соғинчнинг ифодаси деб ўйладим.



Мамлакатнинг ўзида, яқинларини ҳар замон кўриб турса-да, уларнинг дийдоридан улуғроқ неъмат йўқ деб айтаётган аёл билан Суриядан қайтган аёлларни беихтиёр қиёсладим. Уларнинг мунгини, дардини ҳис қилгандай бўлдим. Самолётдан тушибок она заминни тавоф қилаётган аёлнинг ҳолати айрилиқнинг, соғинчнинг ифодаси деб ўйладим.



Гулруҳ МҶМИНОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири

oilavajamiyat@mail.ru

Фариданинг юраги бўм-бўш.
Худди хонаси каби. Тўғри-да у тенги қизларнинг хонасида чиройли шкаф, устида таниш йигитлар совға қилган айиқчалар... Унинг хонасида эса ўқилавериб саргайиб кетган эски газета бўлақлари кичкинагина хонтахта устини тўлдириб турадиган дорилардан бошқа нарса йўқ.

Дугоналари эрталаб уйқудан уйғонишади-ю ўқишга, ишга шошилишади. Фаридани эса ҳар тонг уйғонгани замон секин кўлини дорилар қутиси томон чўзади. Аслида унга дори эмас, нур, қуёш нури кераклигини шифокорлар қаердан билсин. Бир кунгина бўлса ҳам юрагини қуёш нурида чўмилтириб олгиси келади. Тушликда яна ярим пиёла қайнаган сув билан рецет бўйича буюрилган дориларни ичиб олади. Кечқурун яна шу ҳолат. Буларнинг барчаси Фариданинг умрини яна бир неча кунга чўзиш учун қилинган саъй-ҳаракатлар. Фаридани ўпка саратонига чалинганда шифокор: "Вақт олий ҳакам, ҳамма нарсага ўзи ечим топади", деганди уни юпатиш учун. Қани ўша ечим? Нега жони керак бўлса олақолмайди? Фаридани ичига кириб олиб уни оғир ўйлар томон бошлаётган шайтонни енга олмайди. Узини унинг измига қўйиб берди. Бошини болишдан узмай, кўрпа жилдларини гижимлаб, яна йиғмага тушди.

— Опа, турдингизми?
Кичик синглиси Шаҳлонинг ўйноқи овозини эшитди-ю ўзини қўлга олди. Шаҳло ҳар куни мактабга кетишдан олдин опасининг хонасига кириб, кўрган тушини айтиб беради. Бугун опасининг кайфияти йўқлигини кўриб, индамай эшикни ёпиб, хонадан чиқиб кетди.

— Шаҳло, тўхта. Айт.
Тутқунликдан яйловга чиққан эчки боласи каби суюниб кетган Шаҳло сумкасини тоқчага улоқтирди-да опасининг оёқ томонига чўкиб, ҳикоясини бошлади.

— Бугун тушимда иккаламиз дарахторда юрибмиз. Бирдан кучли шамол туриб, бизни жарликка кулатиб юборибди. Энди нима қиламан, деб йиғлаб турсам, бир оппоқ соқолли чол келиб, бизни жарликдан чиқариб олди. Кейин сизга бир дона мева берди. Нокми, олмами, билмай қолдим-да, опа. Лекин тушимда роса йиғладим.

— Нимага?
— Ахир соқолли чол мевани менга эмас, сизга берди-ку.


Фаридани синглиси бу тушни ўзи тўқганини билиб, ёстиги тагидан бир дона қизил олмани олиб унга узатди.

— Раҳмат, опажон, танафусда ейман. Моҳи билан Нилуни роса алами келади-да.

Шайтон қиз ҳар куни туш айтиш баҳонасида опасининг хонасига кириб, бир нималик бўлиб қайтади. Бу пора эвазига эса у дугоналарида эшитган сўнги янгиликларни опасига айтиб беради.

— Майли опа, мен кетдим. Сижилмай ўтиринг.

Бўйи бир қаричгина бўлса ҳам ақли бало. Меникени ҳам қўшиб берган-да, Фаридани синглисига ҳавас билан айтди-ми, ҳасад билан бунга ўзи ҳам тушулолмади. Бошида яна қаттиқ оғриқ бошланди. Йўқ, у бу дардни кўтара олмайди. Бошқа кучи қолмади. Бошини тўшака ташлади-ю, яна йиғмага кўмилди. Аммо бу сафар узок йиғлолмади. Кўзи ачшиди. Дераза тирқишидан тушган бир чимдимгина нур унинг хаёлларини чалғитди. Рўмолининг учи билан кўзларини нурдан айирди. Бўлмади, бу оташнинг олови кучли чиқди. Худ-



Аччиқ олма

дики Фариданинг ойнасидан бошқа жой йўқдек, тобора тирқишдан суқилиб кираверди. Бошини кўрпа билан тўсиб олди, нафаси қайтиб қайт қилгиси келди. Бирдан ҳавони булут қоплаб, қуёш нурлари чекинди. Яна ёмғир ёғади шекилли. Тавба, кечагина қиш ҳамма-ёқни ютиб юборар даражада турганди. Бугун эса баҳорга жон кириб, қайта тирилди. Уч ой бўлса ҳам янаб қолиш илинжида қиш билан жой талашяпти. Ҳатто фасллар ҳам ҳар йили бир ўлиб тирилади. Мен ҳам ўламан, лекин қайта тирилайман.

— Тур, қизим, айвонга чиқамиз, Зубайда опа уйга кира солиб Фаридани ўрнидан тургазишга ҳаракат қилди. Фаридани ҳаммасини сезиб туради. Онаси қизининг олдида ўзини хурсанд, ҳаётдан шодлангандек кўрсатади. Узини худди қадди баланд аёлдек тутишга уради. Дарди ичиди. Икки

боламни дард, деди ичиди.

— Ая, агар мен жинни бўлганимда нима қилардингиз?

— Тўйларга "заказ" олардим. Она-бола жинилик қилиб, қўшиқ айтиб, рақсга тушиб пул ишлаб олардик.

Зубайда опа қизининг кўнглига ҳазил қилиш сиққанидан юрагига умид чирогой ёнди. Фариданинг кўлтигига кириб олиб секин-аста етаклаб айвон четидаги стулга ўтказди.

— Чидангми, қизим? — деди мил-тайиб отаси.

— Нима экяпсиз?

— Олма. Шариф амакиннинг чорбоғида мевалар кўпайиб кетибди. Қўшниларга тарқатаётган экан, менга ҳам беш тупи теғди. Тўрт тупи ширин, ўзимизни сут олмадан, бир тул аччиқданам қўшиб берди.

— Андачқ олмани экмай кўяверинг, барибир ҳеч ким емайди. Мениям

Мартнинг охири, апрелнинг бошлари тонг чоғи уйқудан уйғониб ҳовлига чиқдию ажиб бир гўзалликни кўриб ҳайратдан лол қолди. Қийғос очилиб, оппоқ гулга бурканиб ётган аччиқ олмани кўриб чапак чалиб юборди.

йилдирки юрагини шу хонага кўмиб яшайди. Фаридани айни ўйнаб-қуладиган ёшда тўсатдан шу дард бостириб келди-ю ҳаммани эсанкиратиб қўйди.

— Керакмас, овора бўлманг, ташқари совуқ, — деди Фаридани онасининг раъйини қайтариб.

— Тур, турақол қизим, отанг ҳовлида кўчат экяпти. Ёрдамлашамиз.

— Жиннимисиз? — деди онасининг юзига заҳархандалик билан.

— Ҳа, жинниман, қизим, жинниман. Сенинг соғайганингни кўрсам, жиннихонадаги дугоналаримга ош қилиб бераман.

Фаридани хоҳлаб қилиб юборди. Қўзларининг икки чеккасида чиққичлар пайдо бўлганини кўрган онасининг юраги товонига тушди. Дард қаритяпти,

тишим қамашади. Барибир тўкилиб, увол бўлади. Зубайда опа бир тул аччиқ олмани шерикларидан айириб, бўш ариқча ичига улоқтириб юборди. Аммо отаси бу олмани ширини кейин чиқади. Мазаси қишда билинади, деб экиб қўйди.

Ҳозирги ҳолатда Фаридани олмалар экиладими, йўқми, фарқи йўқ. Барибир унга бу олмаларнинг пишганини кўриш, силкитиб тушириб ейиш насиб этмайди. Ахир психолог унга бу ҳолатда бир дақиқа ҳам ёмон хаёлга берилманг, акс ҳолда касаллик зўриқиб кетади, деганди-ку. Ёмон хаёллардан қочиш мақсадида секин ўрнидан туриб чорбоққа тушди. Озиб-тўзиб кетган қўллари билан олмаларни бир-бир ушлаб кўрди.

— Ма, қизим, озгина сув олиб келиб, олмаларнинг тагига қуйиб қўй. Онанг барибир бу ишни қилмайди. Худди қизи сопла-соғдек отаси унинг қўлига челақни тутқазиб қўйди. Аммо Фаридани ариқ бўйига етиб бора олмайди, беш олти қадам юрдию челақ билан бирга ерга гурсиллаб йиқилди.

— Нима қилиб қўйдингиз? Ахир кучи қолмаган.

Онасининг отасига бақаришларини эшитиб, юзубан бўлиб ётарди. Қаёқдандир етиб келган акаси синглисини даст кўтариб, ичкари уйга олиб кирди. Яна шифохона, дори-дармонлар, табиблар, нафаси ўткир домлар...

Шу зайлда яна беш йил ўтди. Отаси эккан ширин олмалар бўй чўзиб, дарахтга айланди. Мева туғди. Фақат аччиқ олмага уларнинг соясида қолиб кетди. Бирор марта гулламади. Қотиб қолган одамдек тик тураверди.

— Эртага Салима чеварниқиди сумалак. Ўтин топиш сал муаммо бўлиб турибди. Анави аччиқ олмани кесиб берсанг, ёқиб юборардик, деди Зубайда опа ўғли Турдалига.

— Онаси, бу олманинг танаси қуригани билан илдизи бақувват. Кўқариб кетади. Фақат тез-тез сув қўйиб туриринг.

Карим ака ҳар куни саҳарлаб уйқудан тураркан ариқдан сув олиб, челақлаб аччиқ олманинг тагига қуяди. Бу орада отаси тоқдан йиқилиб тушиб, оёғини синдириб олди. Ана энди олманинг ҳоли вой. Аччиқ олманинг кетидан ширин олмалар ҳам бирин-кетин қуриб бошлади. Зубайда опа бир қизининг ранглар юзига термулса, бир оёғи синган эрининг қош-қовоғига термулади. Аччиқ олма кундан-кунга қовжираб, хунуқлашиб борарди. Фаридани кўз олдида жон таслим қилаётган олмага ачиниб кетди. Ҳовлини томоша қилиб ётиш жонига тегиб бир амаллаб ўрнидан турди. Оёғига энгил шиппагини илиб, айвон раҳини ушлаб, секин-аста ҳовлига тушди. Ерда ағанаб ётган челақни судраб, бир амаллаб кўчага, ариқ бўйига чиқди. Ариқ қирғоғида тарвақайлаб, гердайиб, сакраб-сакраб ўйнаб юрган қурбақаларни кўриб, кўнглини қандайдир ҳислар босиб кела бошлади. Тавба, шу хунуқкина махлуқчалар ҳам ҳаётдан шод. Лойқа сувга тушволиб, сакраб-сакраб ўйнаб юрибди. Эртага машина-пошина пақ этиб босиб кетса жони чиқади-ю йўл ўртасида қоқи бўлиб ётади. Лекин ана ўша бир-икки ҳафтаниям чиройли қилиб ўтказди. Мени-чи, қўл-оёғим бут, ўзим юраман, тураман, кўзим кўради, қулоғим эшитади. Шу қурбақаларчалик ҳаётни қадрлашни билмасам. Ахир шифокор нари борса тўрт-беш йил яшайди деганди. Бу йил етти йил бўлди-ку. Жинниман. Онам айтган, тўйларга бориб заказ оладиган жинниман. Фаридани амаллаб челақни лойқа сувга ботириб олди-ю инқиллаб-синқиллаб, чорбоққа тушди. Саҳрода қолган қушдек қовжираб ётган аччиқ олмага бир челақ сув урвоқ ҳам бўлмади. Бир зумда тупроқ бағрига сингиб кетди. Сўнг қаддини бироз ростлаб, уёқ-буёққа қаради. Ҳовлида ҳеч ким кўринмагач, дарахтларга суюнаб, яна айвонга чиқиб олди. Бошини болишга охира кўяркан танасидаги чарчоқдан руҳи тетиклашиб борарди. Ҳадеб бир жойда тўзавермасдан ҳаракат қилиб туриш керак экан. Эртасига яна ариқ бўйига чиқиб эркатой қурбақаларни томоша қилди. Аввалига бир челақлаб сув таширди. Энди икки челаққа ўтди. Мартнинг охири, апрелнинг бошлари тонг чоғи уйқудан уйғониб ҳовлига чиқди-ю, ажиб бир гўзалликни кўриб ҳайратдан лол қолди. Қийғос очилиб, оппоқ гулга бурканиб ётган аччиқ олмани кўриб чапак чалиб юборди.

Нигора Алишер қизи

YELIM IDISHLARSIZ

HAYOT
YO'QMI?

Кўпинча цивилизация одамлар учун қулайлик ярати, табиатга эса тузатиб бўлмайдиган зарар келтиради. Охириги 10 йил ичида дунёда ўтган асрдаги (100 йил мобайнида)га нисбатан кўпроқ пластик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Бир марта ишлатиладиган елим идишлар, пакетлар, қадоқлар, баклажклар энг кенг тарқалган пластик чиқиндилардир. Пластик чиқиндилар умумий ҳажмининг фақат беш фоизи қайта ишланади ва кундалик ҳаётда фойдаланилади.

Пластик ишлаб чиқаришдан тортиб, то қайта ишлашга қадар атроф-муҳитга жиддий зарар етказилади. Йилига пластик маҳсулот ишлаб чиқарадиган заводлар ҳавога 400 миллион тонна карбонад ангидрид чиқаради. Бундан ташқари, бугунги кунда тахминан 800 турдаги ҳайвонлар пластик истеъмол қилиш ва пластикдан заҳарланиш оқибатида нобуд бўлиш хавфи остида.

Бир марталик пакетлар шаҳарларнинг канализация тизимларини тўсиб қўяди ва сув тошқини хавфини келтириб чиқаради. Пластик чиқиндилар дам олиш учун мўлжалланган сув ҳавзалари қирғоқларини ва қирғоқ зоналарини ёпиб қўяди, сайёҳлик саноатига зарар етказилади.

Маълумки, пластмасса тахминан икки юз йил давомида парчаланаяди. Улар кичик зарраларга ажралгач, ишлаб чиқариш вақтида қўшилган кимёвий моддалар атроф муҳитга ёйила бошлайди. Унинг таркибидаги кимёвий моддалар табиатга зарар етказиши мумкин.

Ер ости сувлари орқали пластик микрогранулалари ва унинг кимёвий моддалари энг яқин сув ҳавзаларига оқиб ўтади ва бу кўпинча ҳайвонларнинг оммавий ўлимига олиб келади.

ОКЕАН

БМТ экологларининг маълумотида кўра, ҳар йили океанга тахминан 13 миллион тонна пластик чиқиндилар ташланади. XX асрнинг ўрталаридан бошлаб ҳалокатли тенденцияни тўхтатишга уринишлар давом этмоқда. Зотан, экологлар ҳозирги вақтда Тинч океанининг бир фоизига қадар ўсиб бораётган "катта чиқинди" ҳақида оголантирдилар.

Британиянинг Эллин Макартур жамғармаси таҳлилларига кўра, 2025 йилга бориб жаҳон океанида ҳар уч килограмм балиққа бир килограмм елим чиқинди тўғри келади, 2050 йилга бориб эса оммавий чиқиндилар ер юзидаги барча балиқлар умумий оғирлигига нисбатан юқори бўлади.

СУВДАГИ ЧИҚИНДИ

Эримайдиган пластик пакетлар денгиз сут эмизувчилари ва қушларнинг ошқозонларига киради. Экологларнинг таъкидлашича, бу ҳар йили 10 минглаб қушлар, китлар, тюленлар ва тошбақаларнинг ўлимига олиб келади. Ҳайвонлар бўғилишдан ўлади ёки ҳазм бўлмайдиган чиқинди уларнинг ошқозонларида тўпланади ва



ошқозоннинг фаол ишлашига тўсқинлик қилади.

Натижада, биз ташлаб кетадиган чиқиндилар озиқ-овқат ёки сув билан бирга овқатланиш столига қайтиб келади.

ТУЗ ЭНДИ ОЛДИНГИСИГА ҲАММИ

Олимларнинг сўнги тадқиқотлари бу хавотирларнинг асосли эканлигини тасдиқлайди. Масалан, Нью Йорк университети профессори Шерри Мейсон пластмассанинг ҳамма жойда борлигини таъкидлайди: "ҳавода, сувда, денгиз маҳсулотларида, пивада, ҳаттоки биз фойдаланадиган тузда".

Дунё океанидаги барча чиқиндиларнинг 80 фоизини пластик чиқиндилар ташкил қилади. Рус олимларининг хабар беришларича, Арктикага пластикдан ифлосланиш таҳдид солмоқда.

Олимлар ўз тадқиқотлари давомида дунёнинг турли мамлакатидagi озиқ-

овқат дўконларидан 12 хил тузлар таркибини ўрганиб чиқди. Туз таркибидан топиладиган пластик қолдиқлари одамларнинг доимий равишда пластик зарраларини истеъмол қилишини тасдиқлади. Ҳисоб-китобларга кўра, америкаликлар кунига ўртача 2,3 грамм туз истеъмол қилишса, йилига 660 грамм пластмасса зарраларини истеъмол қилишар экан. Инсон саломатлигига пластик идишларнинг зарари ҳали тўлиқ ўрганилмаган, аммо ҳар қандай тирик организмга бу салбий таъсир кўрсатиши, шубҳасиз.

Шунингдек, испаниялик экологлари ўнлаб ош тузи намуналари таркибидан микропластикларни топдилар. Улар полиэтилен терефталат, пластик идишларни ишлаб чиқаришда ишлатиладиган полимерлар. Халқаро олимлар гуруҳи туз таркибидан полиэтилен ва полипропилен пластмасса-ларини топишган.

Экологларнинг фикрига кўра, Жаҳон океанининг ифлосланишида Хитой етакчилик қилмоқда. Ундан кейин бошқа Осиё мамлакатлари – Индонезия, Филиппин, Таиланд ва Вьетнам туради. Ушбу мамлакатлардаги денгиз қирғоғида истикомат қилувчи аҳоли ҳар доим ҳам тозалик ҳақида қайғурмайди. Бу ерда барча чиқиндилар одатда океанга тушади.

АҚШ, Европа иттифоқи, Норвегия ва Хитойда кундалик чиқарилган пластик маҳсулотларининг умумий сони 37 минг тонна, Россияда эса 10 минг тоннани ташкил қилади. Мавжуд пластикни қайта ишлаш технологиялари экологик муаммоларни қисман ҳал қила олади.

ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

Пластик чиқинди муаммосини ҳал қилиш бўйича бирлашган халқаро ҳаракатлар режаси бўйича турли тақлифлар илгари сурилмоқда.

БМТнинг атроф-муҳит бўйича дастури экспертлари бу муаммони узоқ давом этган ҳаракатсизлик янада кучайтирганини таъкидлашмоқда. БМТ бошчилигида денгиз чиқиндиларига қарши кураш бўйича жаҳон компанияси иш бошлади.

Кенияда пластик идишларга қарши қаттиқ кураш чоралари ишлаб чиқилди.

Италиянинг 46700 аҳоли истикомат қиладиган Канаппори мисолида олиб қарайдиган бўлсак, 2007 йилда бу шаҳарда ноль чиқиндилар стратегияси жорий қилинди. Натижада охириги ўн йил давомида чиқинди микдори 40 фоизга камайишига эришилди. Эндликда фақат 18 фоиз чиқиндигина чиқиндиҳоналарга тушади.

Жаҳоннинг 40 дан ортқ мамлакатлари ўз ҳудудида пластик пакетлардан фойдаланиш бўйича қонуний чекловлар ва тақиқларни ўрнатди.

ФОЙДАЛАНИШ МАДАНИЯТИ

Ҳар биримизда танлаш имконияти бор: минерал сувни шиша бутилкада ёки пластмасса баклажкда сотиб олиш, пикникка бир марта ишлатиладиган қоғоз ва елим идишлар ёки рўзгорда ишлатиладиган кўп марталик идишлардан фойдаланишимиз. Озиқ овқатларни хўжалик сумкаси ёки елим пакетларда ташиш ўз ихтиёримизда. Атроф муҳитни асрашга ҳисса қўшамизми ёки шахсий қулайликларимизни устун қўямизми? Қай бирини танлаш инсоннинг ўзини англаш даражасига боғлиқ.


**Интернет материаллари асосида
Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА
тайёрлади.**

Пластик маҳсулот ишлаб чиқарадиган заводлар ҳавога йилига 400 миллион тонна карбонад ангидрид чиқаради. Бундан ташқари бугунги кунда тахминан 800 турдаги ҳайвонлар пластик истеъмол қилиш ва пластикдан заҳарланиш оқибатида нобуд бўлиш хавфи остида.



Ko'cha MUSIQACHILARI kimlar?

yoxud ularning maqsadi mashhur bo'lishmi, pul topish?



мени тинглайди. Қондани бузмасдан, бировга зараримиз тегмагани учун ички ишлар ходимлари бизни безовта қилмайди, шу пайтгача бирорта ташкилот ходими лицензия сўраб мурожаат қилмади.

Самсон исмли 18 ёшли гитарачи ҳам "сайилгоҳ" кўчасида тирикчилик қилади. Самсон, болалигидан мусиқага қизиқади, ундан завқ олади. У ўртоғи билан релетиция қилиши учун мана шу хуудни энг мақбул жой деб ҳисоблайди. Одамлар гавжум жойда шугулланиш Самсонга илҳом беради. Кам бўлса ҳам пул топиб, ота-оналарига оғирлиги тушмайди.

— Кўчада куйлашимиздан асосий мақсад — танлов эркинлиги, — дейди Самсон. — Ҳеч ким сизга талаб қўймайди. Албатта, баъзида тингловчилар ўз руҳияти билан баҳо беришади, лекин бу ҳар доим ҳам ҳал қилувчи омил эмас. Кўпинча дам олиш, тўйлар, туғилган кунларга бориб қўшиқ куйлашни таклиф қилишади. Рад этамиз.

Одамлар ўтиб кетаётиб табассум қиладилар, раҳмат айтадилар. Ишончим комилки, норози бўлганлар бизни қўллаб-қувватлаётганларга нисбатан камчиликини ташкил қилади.

ҚОНУНЧИЛИК

Баъзи мамлакатларда ва шаҳарларда кўча мусиқаси қонунийлаштирилади. Айрим давлатлар аҳоли пунктларида кўча мусиқачилари маълум бир давлат божини тўлашларига тўғри келади. Баъзи жойларда эса мусиқачилардан махсус таълим тўғрисидаги ҳужжат тақдим этишлари, маълум даражада малакага эга бўлиш учун махсус бадиий кенгашдан ўтишлари талаб қилинади.

Дунёнинг кўпгина йирик шаҳарларида (Берлин, Нью-Йорк, Москва) кўча мусиқачилари мунтазам равишда ижро этадиган махсус жойлар мавжуд.

— Германиянинг Мюнхен шаҳрида яшайман, — дейди ўзбекистонлик санъатшунос журналист Гулрух Йўлдошева. — Деярли ҳар қандай шаҳарда кўча мусиқачисидан лицензия талаб қилинади. Мюнхендаги Мариенплац майдонида ижро этиш учун мусиқачи махсус танловдан ўтиши лозим. Лицензия учун 10 евро тўланади. Ҳар куни 10 та шундай лицензиялар берилади: 5 та мусиқачи тушликкача, қолган 5 таси эса тушдан кейин чиқиш қилади.

Кўча мусиқачиси билан боғлиқ энг машхур воқеалардан бири мусиқачи Арне Шмиттнинг Франкфурт-на-Майне кўчасидан бадарга қилиниши бўлган. Шаҳар кўчаларида баланд овозли мусиқа тақиқланган бўлишига қарамасдан унинг мусиқа асбоби овоз кучайтиргич билан жиҳозланган эди. Ҳокимиятнинг қарори Арненинг мақомига таъсир қилмади: у чиқарган учта альбом Европада машхурликка эришди. У 1997 йилдан буён пианиноси билан (оғирлиги 385 кг) дунё бўйлаб сەҳнат қилиб, халқ меҳрини қозонди ва машхурликка эришди.

Бизда эса хулоса шундай: нима бўлганда ҳам кўча мусиқачиларнинг бўлгани яхши. Ахир ҳар қадамга учрайдиган "чипс"ни ёб, орқасидан "Ситро" ичадиган болалар кўча-қўйда, хиёбонларда миллий мусиқа оҳангларидан озгина баҳраманд бўлса бунини фақат олқишлаш керак.

Мадина Қаландар қизи тайёрлади

Кунлар исиши билан шаҳар кўчаларида скрипка, гитара, саксафон ва бошқа мусиқа асбобларини чалаётган, қўшиқ айтаётган одамларни учратиш мумкин. Улар шаҳарнинг одамлар гавжум жойларида мусиқа ижро этишади. Бу эса ишдан кейин, йўл-йўлакай сеvimли мусиқангизни эшитиш ва мусиқачини қўллаб қувватлаш учун ажойиб имконият.

Кўча мусиқачиларини якка ёки жамоа ҳолида (кўпинча гитара билан) кўриш мумкин. Ижрочиларнинг олдидаги гитаранинг гилофи (пул солиш учун) да бир икки сўм пулга кўзингиз тушади. Ҳўш, уларнинг мақсади машхур бўлиши ёки пул топиш?

Пойтахтимизнинг "Сайилгоҳ" кўчаси одамлар билан гавжум. Ҳар куни ишдан қайтаётиб, шу кўчадан ўтаман. У ерда мусиқа асбоби чалаётган ўрта ёшли (исмини ошкор этишни истамасди) кишини ҳар сафар учратаман. Бу гал уни сўхбатга тортидим.

— Олий маълумотлиман, Ўзбекистон давлат консерваториясини тугатганман. Бу ерга келиб, мусиқа чалишимдан мақсад пул топиш эмас. Мендан сал нарироқда ўғлим най чалади, — деди болакайга ишора қилиб. — Мақсадим ўғлимга сахнада ўзини қандай тутиш маданияти, одамлар олдида эркин бўлиш, фақат чалаётган куйгагина эътибор беришни ўргатишдан иборат.


Одамлар сизга қандай қарашади? Тизки ишлар ходимлари томонидан таъйиқлар бўлмайди? Каби саволларимизга қуйидагича жавоб берди.

— Кўпчилик безътибор ўтиб кетади. Мусиқачи чуқур ҳис қилган, қалбида дарди бор инсонлар бир зум тўхтаб,

MUZQAYMOQNING FOYDALI VA ZARARLI TOMONLARI

Ёзнинг жазирама кунларида роҳатижон музқаймоқ ейишни истамайдиганлар кам топилса керак. Аслида бу яхна ширинлик қандай пайдо бўлгани эса ҳаммага ҳам маълум эмас. Келинг, яхсиси бу десертнинг келиб чиқиш тарихи билан қизиқиб кўрсак.

Музқаймоқнинг пайдо бўлиш тарихи эртакка ўхшайди. Айтишларича, уни Искандар Зулқарнайн кашф қилган экан. Машхур саркарда ўз ғалабаларини тоғ чўққиларидан келтирилган қор ва музлар билан нишонлаган. Табиатда учрайдиган сувга хизматкорлар мевали шарбатлар ва бошқа ширинликлар билан қайта ишлов бериб, ундан махсус масса - желе тайёрлаб, сўнгра шох ва унинг азиз меҳмонлари учун дастурхонга тортишган экан. Форс ўлкасида эса бундай меҳмоннавозлик анъанаси Хитойдан кириб келгани ҳақидаги битиклар мавжуд. Эронда қадимги Афинада бўлгани сингари музли ширинликлар кўчаларда сотилган. Римнинг қулаши билан музқаймоқнинг тайёрланиш сирлари ҳам узоқ вақтгача йўқолиб кетди. Фақатгина XIII асрга келибгина музли ширинлик Европада машхур италян сەҳнатчиси Марко Поло томонидан қайтарилди. У тайёрлаш тартибини Хитойдан олиб келди. Апеннинда музқаймоқни тайёрлаш технологияси жуда тез ўзлаштирилди.



Энди музни қўллар ёрдамида тоғлардан ташиш шарт бўлмай қолди. Сотувчилар музқаймоқнинг асосини ташкил этувчи лимон шарбатини иссиқ кунларда ҳам муздек сақлаш имконини берувчи узун чуқурликдаги хандақлардан фойдаланишни ўрганиб олдилар. Махсулотнинг таъми бузилмаслиги учун шарбатга асал, хушбўй ванил ҳамда тоза шаробни аралаштириш ўйлаб топилди.

Музқаймоқ стрессдан халос қилади
Мутахассисларнинг таъкид-

лашича, музқаймоқ нафақат организмни исиб кетишдан сақлайдиган, балки тушкунликдан халос этувчи самарали восита ҳамдир. Инсон тушкунликка тушган пайтда диетологлар "ан-

фойда беради. Роҳатижон музқаймоқ таркибида эса организмда кечадиган моддалар алмашинуви жараёнларида муҳим бўлган аминокислоталар, ёғ кислоталари, 20 га яқин витаминлар, кўплаб минерал тузлар ва муҳим ферментлар бор. Музқаймоқ организмни калий, мағний, темир, фосфор ва кальций билан таъминлайди.

Асалнинг ҳам ози ширин
Музқаймоқни оз-оздан истеъмол қилиб туриш, нафас йўлларидаги совуқ ҳароратга ўрганиб боришига ёрдам беради. Бунинг натижасида эса томоқ оғриғига қарши иммунитет ҳосил бўлади. Музқаймоқ юқори калорияли махсулот бўлганлиги туфайли у очликни босадиган яхши озуқа ҳамдир. Унинг таркибидаги шоколад сабабли бош мия қувонч гормони — эндорфинни кўп ишлаб чиқаради.

"Асалнинг ҳам ози ширин", деганларидек музқаймоқни истеъмол қилишда ҳам бир нечта қарши кўрсатмалар мавжуд. Ангина (бодомча безлари яллиғланиши), сут махсулотларини ҳазм қилолмаслик каби хасталикка чалинган, фарингит, ортиқча вазн, сурункали ўткир гастрит муаммоларида музқаймоқ истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Музқаймоқ таркибидаги тез сингадиган шакар қонда глюкоза миқдорини ошириб юборади. Шунинг учун қандли

диабет хасталигига чалинган беморлар бундан ўзларини тийганлари айни мудоаа. Соғлом кишилар музқаймоқни истеъмол қилишда меъёрни билса мақсадга мувофиқ бўлади. Музқаймоқни истеъмол қилишдан аввал унинг таркибида ҳамда қоғоз ўрамига эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Кўпгина парҳезшунос — диетологлар кулупнай, лимон ва бошқа турдаги мевали музқаймоқларни кўп истеъмол қилмасликни тавсия этишяпти. Зеро, унинг таркибида сунъий қўшимчалар ва мевали эссенсия эритма мавжуд.

Музқаймоқни мунтазам истеъмол қилиш бош оғриғига ҳам сабабчи бўлиши мумкин. Олимларнинг таъкидлашича, музқаймоқни шобиш истеъмол қилиш тана ҳароратини тезда туширади. Қон томирларини торайтиради. Натижада, мияга қон кам миқдорда етиб боради. Бу эса бош оғриғига сабабчи бўлади.

Музқаймоқ уч ёшдан кичик болаларга берилмагани маъқул. Сабаби, бола организмни қаймоқли ва ёғли десертни ҳазм қилишда қийналади. Турли аллергик таъсирлардан сақланиш учун болаларга қаймоқли музқаймоқ маъқул. Шифокорларнинг тавсиясига кўра музқаймоқни кечки овқатдан ярим соат олдин ёки тушликда берган маъқул.

Интернет материаллари асосида Васида тайёрлади.

Hayotimni o'zgartirgan KИTOB

“Элдидо” гуруҳи вакили Дилниёз Гаффоровнинг китоб ҳақидаги фикрлари:

Газета саҳифалари орқали китоб ҳақида кўплаб суҳбатлар, мулоҳазали мақолалар берилди. Ушбу анъана ни давом эттирган ҳолда бугунги саҳифамизда ёшлар орасида таниқли санъаткорнинг китобдан олган хулосаларига тўхталмоқчимиз.

Ҳаётимни ўзgartирган нарса бу “Китоб” дея фикрловчи ижодкор, бир вақтнинг ўзида бошловчи, актёр, хонанда “ЭЛДИДО” гуруҳи вакили Дилниёз Гаффоров китобдан олган хулосалари билан ўртоқлашди.

– Китоб ўқишни жудаям яхши кўраман. Уйда шахсий кутубхонам бор. Китобларим сонини 1000 дан ортқ десам ҳам бўлади. Кутубхонамда Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Ҳамид Олимжон, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Садриддин Айний, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов каби ёзувчиларимиз қаторида, хориж адабиётига мансуб китоблар бор. Уларни қайта-қайта ўқишдан зерикмайман.

Жаҳон адабиёти дурдоналаридан энг севган асарларим – Александр Дюmanın “Иф қалъасининг маҳбуси Граф монто Кристо” ва Жек Лондоннинг “Мартин Иден” романларидир. Бу асарларни жудаям севиб ўқиганман.

Китобдан олган сабоқларим



Китобдан олган сабоқларим ҳаётимда жудаям кўп асқотган. Ёшлигимда дадам кўп эртак айтиб берарди. Айниқса, “Кенжа ботир” эртаги жудаям ёқарди. Унга ўшагим келарди. Унга ўшагим келарди.

ҳаётимда жудаям кўп асқотган. Ёшлигимда дадам кўп эртак айтиб берарди. Айниқса, “Кенжа ботир” эртаги жудаям ёқарди. Унга ўшагим келарди. Кенжа Ботир ҳаётда танти, мард, оиласи учун ҳатто жонини берадиган, фақат эзгуликка хизмат қилувчи инсон. Мен ҳам айнан шу қаҳрамонга ўшагим келар эди. Характеримдаги айрим камчиликларни бартараф этишга айнан ўша эртақлар сабабчи бўлган. Китоб одамнинг ҳаётини тубдан ўзgartирмасда, кичкинагина ёмон хислатини яхши томонга ўзgartиришига туртки беради.

Ўқиган асарларимнинг кульминацион нуқтаси ҳар доим ёдимда қолади. Жек Лондоннинг “Мартин Иден” романининг кульминацион нуқтасини эсга олсам. Асар қаҳрамони Мартин, Руф исмли кизни севиб қолгандан сўнг шезърлар, ҳикоялар ёза бошлайди. Атрофдагилар: “Сен бу билан оилангни тебрат олмайсан”, – дейишади. Киз ҳам унинг севгисини рад этади. Орадан йиллар ўтгандан сўнг Мартиннинг асарлари машҳур бўлиб, бадавлат бўлиб кетади. Таъсирланган жойим: бир пайтлар уни

рад этган севгилиси келиб: “Мен сени жудаям қаттиқ севаман. Асарларинг жудаям ёқади”, – деганда Мартин Иденнинг жаҳли чиқиб кетади. Бу асарларимни мен шуҳрат қозонмасимдан олдин, энг биринчи бўлиб сенга ўқиб берганман, келкин сен мени тан олмагансан, ҳозир ёнимга ўз ихтиёринг билан келдингми ёки уйингдагиларнинг хоҳиши биланми”, – дейди. Қиз: “Ўзим келдим”, – дейди. Қиз олдин бой эди. Кейинчалик қашшоқлашиб қолади. Қиз билан хайрлашгандан сўнг, орқасидан қараса, у акаси билан келган бўлади. Севгиси туйфайли эмас, уйдагиларнинг кистови билан келкин сени тушуниб этади. Қизни қанчалик севмасин барибир севгисидан вез кочади. Роман охирида бош қаҳрамон бу дунё ноҳақликларига чидолмай ўз жонига қасд қилади.

Ўқувчи сифатида, Жек Лондон асар охирини бу тарзда тугатмаслигини ис- таган бўлар эдим.

Шоҳида ПИРИКОВА ёзиб олди. ЎЗМУ Журналистика факултети 2-босқич талабаси.

AYOL BARNAYOTLIK GAROVI

“Калитсиз қулфми, қулфсиз калит?” мақоласи (“Оила ва жамият” 2019 йил, 12 июнь сониди)да таъкидланганидек, йиллар оша шаклланган қадриятларимизда турмушнинг барча иқир-чиқирларига жавоб мужассамлашган. Вақт синовидан ўтиб, амалиётда тасдиқланган қадриятларда меҳмоннинг қўлига қандай сув қуйиш, эшикдан қайси оёқ билан киришдан тортиб энг наздик масалаларгача ечимлар мавжуд.

Қадриятларимизнинг кўринишларидан бири – киз боланинг тарбиясига алоҳида масъулият билан ёндашилгани. Бекорга уч қиз фарзанд ўстирган онага жаннат ваъдаси берилмаган. Атрофдаги ҳаёт манзаралари тасдиқлайдики, киз бола алоҳида хилқат экан. Набираларнинг қилиқларини кузатиб, шундай хулосага келдим. Ўғил болалар дангалчи, “йирик”, унча-мунча нарсага эътибор қаратавермайди. Қиз набиралар шунчалик “майдакаш”ки, кофенинг ширин ёки сутлиги, ҳатто нави ҳам уларнинг эътиборидан четда қолмайди (ҳолбуки, 3-4 ёшли ўғил

(иккинчи мақола)

бола кофени билмаслиги ҳам мумкин ёки ширин чой ичиб кетаверади). Кийим танлашда ҳам шунчалик инжиқ “дидли”. Уларни кузатиб, Яратганинг буюк ижодига таҳсин айтмай илож йўқ: шаклсиз, дағал дунёга зеб бериш, оҳанграболи қилиш учун аёлларни яратган экан. Уларнинг борлиги билан рангсиз дунёга кўрк киради, ҳиссиз тошлар гўзаллиқнинг боқий ҳайкалига айланади ва ҳоказо. Шунинг учун киз болани кўз қорачигидек авайлаб ўстириш инжиқ экан. Машҳур устозлардан бири В. Сухомлинский шундай дейди: “Қиз болани ҳурмат қил, унинг номуси ва шарафини, инсоний гурурини авайла. У барҳаётлигининг гарови”.

Оилавий муносабатларда Аёл она сифатида фарзандларининг тиричилиги учун ҳамма нарсага тайёр. Сўнгги йиллар тажрибаси шуни исботладикки, она то тирик экан, болалари учун сув келса, симиради, тош келса, кемиради. Турмушнинг оғир юкини елкасига олган аёлларнинг таъна-маломатларга қолгани ҳам бор гап. Ана шундай қудрат эгаси оилада етакчи мавқеда туради (бу тан олинмаган ҳақиқат). Шунинг учун ҳам бекорга “Эрни эр қиладиган ҳам, қора ер қиладиган ҳам - хотин” деган ҳикмат пайдо бўлмаган экан. Қаранг, рақамлар нимадан сўзлайди: одам ҳаёт

сабоқларининг саксон фоизини оиладан олар экан (қолган қисмини мактабдан, теварак-атрофдан). Оилада эса келажак сабоғининг саксон фоизини болалар онадан олар экан (қолганини отадан). Мана шу далилнинг ўзиёқ бўлажак оналар ҳақида жиддий қайғуриш лозим эканлигини кўрсатиб турибди.

Киз боланинг тарбиясига нафақат оилавий масала, балки умумжамоат масаласи сифатида қаралмоғи лозим. “Бир болага етти қўшни ота-она”, деган гапни кўп такрорлаймиз. Балки, бир кизга бутун маҳалла, қишлоқ ота-онадир. Негаки, киз боланинг шаъни, обрўси ҳаммага тегишли. Айниқса, уларнинг ҳаётимиз давомчиларини дунёга келтирадиган ва улғайтирадиган, миллатимиз софлигини сақловчи буюк зот бўлиб етишишларини кўз олдимизга келтирсак, муносабатнинг қанчалик улғувор бўлиши лозимлиги аниқроқ намоён бўлади. Ана шу ўринда маҳалла маслаҳатчиларини хотин-қизлар кўмиталари фаолларининг вазифаси аниқ бўлиб қолади. “Қизли уй – фариштали уй” тамойилига амал қилиб, бу масалага алоҳида эътибор билан қараш, кўп қизлар улғаяётган хонадонларга ҳам маънавий, ҳам моддий эътиборни кучайтиришдан келажакимиз фақат ютиши мумкин. Ҳатто ҳар бир киз фарзанднинг тақдирини жамоатчилик эътиборида бўлиши шарт

бўлган муҳим масала экан. Негаки, киз болаларни тўғри йўналтириш оиланинг, оила тўқиллигини таъминлаш эса жамиятнинг обрўсига хизмат қилади.

Ангини билмадим-у, бироқ ажралишларнинг босим қисми аёлнинг ташаббуси билан бўлаётгани сир эмас. Бунинг сабаби – киз бола гўдақлигидан турмушга тайёрланмагандан эмасми? Халқимизда: “Яхши келин қўшнисидан ип сўрайди, ёмон келин қўшнисидан нон сўрайди”, деган гап бор. Ип сўрагани бичиш-тиқиш қилиб, оиланинг камини тўлдиршига киришганини билдирса, нон сўрагани рўзгорнинг қашшоқлигини кўчага олиб чиққан, ночорлиқларини ошкор қилиб қўйган ҳисобланади. “Оила институти” ана шундай майда-чуйдалардан ташкил топадики, унда ҳеч бир нарсанинг ўрни беиз эмас. Демак, ниҳолни бошидан тўғри парварши қилиш, у букчайиб қолгандан кейин “Тўғрилайман” деб зўр бериш жоиз эмас.

Бир сўз билан айтганда, оила тақдирининг кўп улushi аёлга боғлиқ экан, саъй-ҳаракатлар ҳам шунга мос бўлиши лозим. Қолаверса, “Маданиятнинг қай даражадалиги аёлга бўлган муносабат билан белгиланади” (Максим Горький) деганларидек, аёллар ҳам юксак даражадаги муносабатга лойиқ бўладилар ва бу билан жамият- тимиз янада юксалади.

Ҳаким САТТОРИЙ

Oila va jamiyat
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси,
“Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси
(Болалар жамғармаси) ва
“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

Бosh муҳаррир в.б.: Акбар ҚАРШНЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент – 100000.
Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.
Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
E-mail: oilavajamiyat@mail.ru
Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 636. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 4391. Баҳоסי келишилган нархда.

Босишга топшириш ваъти – 15:00 Топшириқди – 15:00

Навбатчи: **Б. Исмоилов**
Мусаҳҳих: **С. Сайдалимов**
Саҳифаловчи: **А. Маликов**

ISSN 2010-7609



Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5